Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 178 (20. 445) • 1989 йил 1 август, сешанба • Баҳоси 3 тийин.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИДА

31 июль куни эрталаб соат 10 да Олий Советнинг Мажлислар залида **А. И. Лукьянов** раислигида ўтган палаталарнинг биргаликдаги мажлисида СССР Олий Совети Президиумининг 1989 йил 23 февралдаги «Кооперативлардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги Фармонини қизғин муҳокама қилиш давом эттирилди.

(ТАСС).

Дунё овози

ЧЕТ ЭЛ МАТБУОТИ ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ ХАБАР БЕРАДИ

● **Чет эл оммавий ахборот воситалари СССР Олий Совети сессиясининг ишига, айниқса унда қабул қилинган қарорга эътиборни қаратмоқда.** Қарорда Литва ССР ва Эстония ССРни иқтисодий мустақилликка ўтказиш тўғрисидаги Қонун лойиҳасининг асосий қоидалари маъқулланди. Бу қарор, деб таъкидлайди Ғарбий Германиядаги ЦДФ телепрограммасининг шарҳловчиси, СССРда қайта қуриш ва ислоҳотлар жараёни олға томон изчил силжиётганлигидан далолат беради. Болтиқбўйи республикалари иқтисодий мустақиллигининг кенгайтирилиши — муҳим эксперимент бўлиб, унинг натижасига қараб, бундай моделни бошқа иттифоқдош республикаларга ўтказиш қанчалик мақсадга мувофиқлиги тўғрисида фикр юритиш мумкин бўлади, деб уқтиради ЦДФ телепрограммаси.

● **АҚШ божхона хизматининг комиссари У. фон Рааб истеъфо берди.** Унинг айтишича, Вашингтон ҳозирги ва аввалги маъмуриятининг наркотиклар контрабандасига қарши кураш юзасидан қатъий чоралар кўришини истамаётганлиги унинг истеъфо беришидаги асосий сабабдир. Фон Рааб Америкадаги Э-Би-Си телекомпаниясининг мухбири билан суҳбатда «вазият назорат остидан чиқди, маъмурият ўтказаётган снёсат эса барбод бўлди» деди.

Америка экономикасининг ўсиш суръатлари 4,4 процентдан 1,7 процентга тушиб қолди, деб хабар берди Си-Би-Эс телекомпаниясининг янгиликлар программасини бошқарувчи.

● **Матбуот Жанубий Кореянинг ДС-10 самолёти авиафалокатга учраганлигини ҳамон шарҳламоқда.** Самолёт Триполи шаҳри аэропортига қўниш чоғида ерга қулаб тушди. Натижада 82 пассажир ҳалок бўлди. Лондонда чиқадиган «Таймс» газетасининг ёзишича, «Ана шу фалокат билан яқинда Американинг Айова штатида бўлиб ўтган авария ўртасида ўхшаш белгилар бўлмасада, пассажирларнинг ДС-10 авиалайнерларига ишончи илгаригидек пасайиб бормоқда». (ТАСС).

ХАБАРЛАР ОҚИМИ

АҚШ:

АТЛАНТИКАДАН РЕКОРД ВАҚТ ИЧИДА СУЗИБ ЎТИЛДИ

Машҳур «Гиннес рекордлар китоби»га шов-шувларга сабаб бўлган янги ютуқ ёзиб қўйилди.

Америкалик бизнесмен Том Жентри унча катта бўлмаган моторли қайиқда Нью-Йоркдан йўлга чиқиб, соатига тахминан 55 миля ўртача тезлик билан атиги 62 соат 7 минут 47 секундда Атлантика океанини кесиб ўтди ва Буюк Британия соҳилидан жанубий-ғарбдаги Силли ороллардан бирининг бухтасига келиб тўхтади. Шу тариқа у 1986 йилда инглиз Ричард Бренсон ўрнатган жаҳон рекордидан 18 соатдан кўпроқ вақт ўзиб кетди.

Бутун масофа мобайнида, деб таъкидлайди Би-Би-Си телекомпанияси, Атлантика сокин бўлгани кишини ҳайратлантирди. Шунинг учун ҳам америкалик рекордчи энг юқори тезликда сузишга муваффақ бўлган.

АНГЛИЯ:

ҲАВО БУЛҒАНИШИ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТНОМА

Ҳукуматнинг бепарволиги шунга олиб келдики, ҳозирги вақтда Британия ороллари узра ҳаво ифлосланиши британияликларнинг бешдан бир қисми саломатлигини хавф остига қўймоқда. «Замин дўстлари» ташкилоти эълон қилган «Саломатлик ва ҳаво булғаниши» деган маълумотномада ана шу ҳақда сўз юритилган.

Маълумотномада таъкидланишича, Буюк Британияда ҳаво булғаниши жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан белгиланган нормадан доимо юқори бўлади. Айниқса бу кекса ёшдаги кишилар, ёш болалар, юрак ва нафас олиш йўллари касаллигига чалинган беморлар учун инқоятда хавфлидир.

ПОКИСТОН:

КУЧЛИ ЖАЛА

Тўрт кун давом этган жала Покистоннинг жанубида 30 дан ортиқ кишининг ёстиғини қуритди.

Ассошиэйтед Пресс агентлигининг хабар беришича, тошиб кетган дарёлар кўприкларни, уй ва тўғонларни бузиб юбормоқда. Табиий офат районида алоқа ва электр таъминоти узилган. Қишлоқ хўжалик экинзорлари сув остида қолган.

Карочи, Ҳайдаробод ва Синд вилоятидаги яқин қишлоқларга айниқса кўп зарар етган. Қарийб 20 минг киши бошпанасиз қолган. Покистон президенти Ғулом Исҳоқхон зарар кўрган районларнинг аҳолисига шошилинч ёрдам беришга киришилганлигини айтди.

(ТАСС).

ЭРОННИНГ ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТИ

ТЕҲРОН, 31 июль. (ТАСС). Ислом кенгаши мажлиси (парламенти) раиси Ҳожатулислом Али Акбар Ҳошимий — Рафсанжоний мутлақ кўпчилик овоз билан Эрон Ислом Республикасининг президенти қилиб сайланди.

У Ислом Республикасининг тўртинчи президенти бўлди. Сайловчиларнинг 94,51 процента ёки сайловда қатнашган 16.439.247 кишидан 15.537.394 киши Ҳошимий-Рафсанжоний учун овоз берди.

* * *

Али Акбар Ҳошимий-Рафсанжоний 1934 йил 25 августда Эрон жанубидаги Рафсанжон шаҳри яқинидаги қишлоқда деҳқон оиласида туғилди. Қум шаҳридаги илоҳиёт марказида диний таълимотни ўрганди, у имом Ҳумайнийнинг шогирдларидан бири эди. 60-йиллардан бошлаб шоҳ тузумига қарши фаолиятга қўшилди, бир неча марта қамоққа олинди, бир неча йил умрини Эроншоҳ режими турмаларида ўтказди. Имом Ҳумайнийнинг энг яқин сафдошлари қаторида 1979 йилги Эрон ислом инқилобида фаол иштирок этди. У Эрондаги ислом ҳаракатининг назариётчиларидан биридир. Ҳозирги Эрон ва регионнинг сиёсий тарихига оид кўп китоблар ва мақолаларнинг муаллифидир. 1979—80 йилларда — Ислом инқилоб кенгаши (шоҳ режими ағдарилгандан кейин ҳокимиятнинг олий органи)нинг аъзоси, министр ўринбосари, ички ишлар министрлигининг раҳбари бўлди. 1980 йил июлида Ислом кенгаши мажлиси (парламенти)нинг депутати қилиб сайланди ва ўшандан буён мажлисининг доимий раисидир, 1981 йил октябридан олий мудофаа кенгашининг аъзоси.

1989 йил июнида у расмий ташриф билан Совет Иттифоқида бўлган.

ИШГА ВИЖДОНАН МУНОСАБАТ

Юксак тартиб-интизом—социал-иқтисодий тараққиётни таъмин этишнинг ишончли резерви

Топшириларган ишга виждонан муносабатда бўлиш — совет кишисига хос юксак фазилат. Қалб даъватига кўра пок виждон билан сидқидил меҳнат қилиш, ёнидаги ўртоқларн ва тармоқдаги ҳамкасбларининг ибратли тажрибаларидан ижодий фойдалана билиш, бутун смена давомида иш вақти имкониятларини фақат ишлаб чиқаришга сафарбар эта олиш — булар чинакам меҳнаткашнинг аҳду қарори.

Қилаётган ишинг, кўраётган тадбиринг учун жавобгарлик ҳиссини англаш қайта қуриш даврининг алоҳида талаби бўлиб қолди. СССР халқ депутатлари съездида тартиб-интизом хусусида жиддий гаплар бўлди. «Интизом ва ички интизом бўлмаса, — деб таъкидлади ўртоқ М. С. Горбачев съездаги якунловчи нутқида, — юксак масъулият туйғуси бўлмаса, қайта қуриш, демократия бўлмайди. Ривожланган гражданлик туйғуси ҳамма жойда ва ҳамма замонларда демократиянинг таянчларидан бири бўлиб келган, бу туйғу ўз ҳаракатларини назорат қилиш, ўзи ва жамият олдида ўз ҳаракатлари учун жавоб бериш ва тайёрлигидан ажралмасдир».

Тартиб-интизом — ҳар бир киши маҳорати маданияти мезони бўлиши керак. Маданият бўлганда ҳам энг кенг маънодаги маданиятдир. Ишчи ё мутахассис, деҳқон ёки зиёли учун бирдек маданият деб тан олинадиган тартиб-интизом ички маданият даражасига кўтарилмас экан, у устн ялтироғу ички қалтироқ нарса бўлиб қолаверади. Масалан, мажбурият интизомини олайлик. Шартнома интизоми — муқаддас, деб айтамиз. Муқаддаслиги шундаки, уни меҳнат коллективи давлат кўрсатмаларн асосида ўз имкониятлари даражасида белгилайди. Шу мажбурият юксак гражданлик туйғуси барқ уриб етилмаган жойларда барбод берилмоқда. Тўғри, республика индустрияси 1989 йил 5 ойида давлат буюртмасига кўра ва шартномалар асосида истеъмолчилар билан боғланган шартномавий мажбуриятларини бажаришнн ўтган йил шу даврига нисбатан яхшилади. Лекин бирлашма ва корхоналарнинг 16 процентн шартнома интизомини бузди.

Қайта қуришдаги маълум қийинчиликларга қарамай, республика халқ хўжалигн комплексидаги кескинлик ҳар ҳолда пасайди, турғунлик барҳам топиб боряпти. Экономикага кўпроқ социал йўналиш беришга мувафақ бўлинди. Туб иқтисодий ислоҳот амалга оширилаётганн шунга имкон бермоқда. Лекин Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIII пленумн республика социал-иқтисодий тараққиётн одимларнни чуқур таҳлил этиб область, шаҳар, район партия комитетларидан хўжасизлик ва интизомни бузиш фактлари юзасидан жуда қисқа вақтда узилкесил чоралар кўрилсин, айбдорлар қандай жавобгарликка тортилгани кенг ошкор этилсин, деб қарор қабул қилганн аҳволни яхшилаш учун ҳали анча иш қилиш кераклигини кўрсатиб турибди.

Қўйилаётган вазифанинг долзарблиги сабабларн айн. Республика меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомининг кўплаб бузилишидан катта зарар кўрмоқда. Иш вақтининг зое кетиши ўтган йили ундан олдингн йилга нисбатан кўпайди ва шу сабабга кўра мўлжалдагидан 100 миллион сўмлик кам маҳсулот олинди. Меҳнатни ташкил этиш ва ишлаб чиқариш интизомининг бузилишн шунчалар қимматга тушаётганига тоқат қилиб бўлмайди. Бундай аҳвол рўй берган коллективларнинг партия ташкилотлари вазиятга принципиал партиявий баҳо бериши зарур. Ресурслар ва маблағлар талон-торож қилинишига ким йўл қўйганлиги, бунинг учун у қандай жазо олганлигини ва тартиб ўрнатиш юзасидан қандай тадбирлар кўрилганидан барча хабардор бўлиши керак.

Турмуш тарзимиз ҳамиша иш билан боғлиқ. Қанча ишласак, шунча ҳақ оламиз. Тўла хўжалик ҳисоби талаби асосида меҳнат қилиш мезони шуни тақозо этади. Аммо ишлаб чиқаришда меҳнатнинг бир меъёрда олиб борилишига эришмаслик ҳам қимматга тушмоқда. Ҳамон айрим корхоналарда турли сабабларга кўра ойнинг ҳафталарида маҳсулот тайёрлаб чиқариш ҳажмлари турлича. Тўғрироғи, талабни қондирмаяпти. Оқибатда ой бошида ўзимбўларчилик муҳити ҳукмрон бўлиб, ойнинг сўнгги ҳафталарида планларни адо этиш учун чоп-чоп, югур-югур авжга чиқиш одатга кирди. Бунга Тошкент экскаватор заводи фаолиятини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Корхона апрель ойнинг сўнгги ҳафтасида ойлик маҳсулот ҳажмининг 84 процентн миқдорида буюм тайёрлагандн. Орадан бир ой ўтиб ҳам аҳвол ўзгарганн йўқ. Афсуски, бундай мисол ягона эмас. Ишлаб чиқариш интизоми бузилишн Андижон электр двигателлари, Тошкент «Подъёмник» заводларида ҳам такрорланмоқда.

Тартиб ўрнатиш юзасидан савдо корхоналарн тармоғида, айниқса кўп иш қилиш керак. Қолаверса, бу тармоқ аҳволи билан кун сайнн шуғулланишга муҳтожлик сезилмоқда. Ажратилаётган фондлар эгаларига борнб етмаётганн ташвишланарлик. Саноат ва озиқ-овқат молларнни яшириб қўйиш, уларни омборлардан, базалардан, пештахта орқасндан оширилган нархларда сотиш фактларн ҳақида «Совет Ўзбекистони» газетасн редакциясига харидорлар хабар қилишмоқда. Шаҳар, район партия комитетлари, ижроия комитетлари фондларнинг тақсимланишн ва харидорга етказиб берилиш устндан кундалик назорат ўрнатишларн зарур. Бунда, айниқса, ишчи назоратн ҳамда жамоатчилик ёрдамидан кенг фойдаланиш керак.

Корхона, хўжалик ҳамда муассасаларда барқарор тартиб-интизом имкониятларидан тўғри фойдаланилганда социал-иқтисодий тараққиётдагн силжишлар илдамлашнш, жадаллаштирнш сарн йўл очилаверишн табиий. Дарҳақиқат, тартиб -интизом шундай резервки, у ҳеч қандай молиявий маблағлар сарфлашнн тақозо этмайди. Бироқ меҳнат коллективларида уннинг бу жиҳатларнни ҳисобга олмаслик оғир оқибатларга олиб келмоқда — кўп жойларда кадрларнинг масъулиятн замон талабларидан орқада қолмоқда. Меҳнат, ишлаб чиқариш, план интизомига беписандлик шартнома мажбуриятларн бажарилишида узилишларга, маҳсулот сифатн пасайишига, товарларнинг келишилган муддатларда етказиб берилмаслигига, фойда ўрнига зарар кўришга сабаб бўлаётир.

Шу муносабат билан ҳозирги пайтда катта куч бўлиб қолган меҳнат коллективн ташаббускорлигини ошириш ҳаётий зарурат даражасига кўтарилди. Улар прогулчилик, иш вақтини зое ўтказиш, сифатсиз маҳсулот тайёрлаш каби интизомсизликларнинг олдини олишга даъват этилганлар. Шуниигдек, улар бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда тўла хўжалик ҳисобн, ижара пудратн, кооператив усулда ишлашда орттирилган тажрибага таянib, меҳнат коллективларида танқид ва тарбиявий таъсир кўрсатиш воситаларидан, мавжуд қонунлар берган ҳуқуқлардан самарали фойдаланишларн, тартиб-интизом бузилишининг ҳар қандай кўринишларига барҳам беришда жамоаларнинг жиддатларнни кенг намоён этишларн керак. Шундай қилиш ишчидан тортиб мутахассисгача — ҳаммада ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчанлик фазилатларини тарбиялайди, қарор топтиради.

Вазифа — ҳар бир кишида, ҳар қайсн коллективда тартиб-интизомни бутун чоралар билан мустаҳкамлаб боришдан иборат. Чунки юксак уюшқоқлик, аниқ тартиб, онгли интизом — партия XXVII съездн белгилаб берган мураккаб социал-иқтисодий программани рўёбга чиқаришнинг қудратли воситаси.

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

ОЛДИНГИ САФДА

Поп районидаги 12-автокорхона илғорлари ўн иккинчи беш йилликда олти йиллик шахсий планларини бажариш учун мавжуд резерв ва имкониятларни ишга солмоқдалар. Улардан бири кўп йиллардан бери ҳайдовчилик касбини ардоқлаб келаётган Борис Абдубакировдир. У ўзига бириктирилган юк машинаси тўхтовсиз ишлашини таъминлаб, беш йиллик бошидан бери буюртмачиларга кўзда тутилган 138,3 ўрнига 167,6 минг тонна халқ хўжалик юкларини етказиб бериб, келгуси йилнинг февраль ойи ҳисобига меҳнат қилаётир. Унинг ҳамкасби Жамолиддин Файзиев эса ўтган уч ярим йил ичида тўрт йиллик шахсий планини бажарди.

Тўрабой Ҳакимов, Самижон Раҳмонов, Зафаржон Мирзамуродов, Иосиф Шаповалов, Одилжон Жўраев ва бошқа ўнлаб ҳайдовчилар ҳам графикдан ўзиб меҳнат қилишмоқда.

С. ҚУЧҚОРОВ.

ҚУВВАТ ОРТМОҚДА

СССР 60 йиллиги номидаги Косонсой шойи тўқиш фабрикасида тайёрланаётган маҳсулотларга талаб кун сайин ортмоқда. Корхонада тўқилаётган ранг-баранг хонатлас, бекасам ипак эшарда ҳам машҳур.

Уч йил илгари корхонада турли хилдаги сочиқлар ишлаб чиқариш цехи ишга тушган эди. Ўшанда бор-йўғи 6 та дастгоҳ бўлиб, кунига 80 дона сочиқ тўқиб чиқаришарди. Бу аҳоли талаб ва эҳтиёжини қондиролмади. Дастгоҳлар сони 40 тага етказилди. Ҳозир кунига 2500 донадан маҳсулот тайёрланмоқда.

Цехнинг М. Пўлатова, А. Ғаниев, Ғ. Бозоров, Ш. Қосимова каби пешқадам ишчилари тайёрлаётган «Фестиваль», «Спутник», «Болаларни ҳимоя қилиш», «Атиргул» деб номланган етти хилдаги сочиқ сифатлилиги билан харидорларга маъқул бўлмоқда.

Айни кунларда цех ўрнида алоҳида фабрика ташкил этиш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни бир неча баробар кўпайтириш кўзда тутилмоқда.

И. РУСТАМОВ.





ЯНГИ ҚУРИЛИШЛАР УЧУН

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ. «Каршистройиндустрия» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли уйсозлик заводида шахсий уй-жойлар ва дала ҳовлиларн учун мўлжалланган керамзит-бетон блокларн ишлаб чиқарадиган янги цех ишга туширилди.


Йилгари шу ўринда унча катта бўлмаган ишлаб чиқариш участкаси мавжуд эди. Керамзит-бетон блокларининг ҳар бири оддий ғиштнинг олтмтасига тўғри келади. Бундан ташқари унн ишлатиш ғоятда қулай ва унумли.

Тажриба учун тайёрланган дастлабки блоклар мутахассисларининг кутганидан ҳам афзал бўлиб чиқди. Маҳсулот буюртмачиларнинг талабига мос келди. Шунинг учун унга бўлган эҳтиёж кундан-кунга ортиб бораётир. Айни пайтда аҳолидан ва қатор қурилиш ташкилотларидан кўплаб буюртма тушмоқда. Янги цех ўз маҳсулотининг дастлабки қисмини Арманистонга ва республиканинг қатор қурилишларига жўнатди.

Келажакда цехни лойиҳада белгиланган қувватга етказиш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ҳажмини янада кўпайтириш мўлжалланмоқда.

Суратларда: 1. Бетон қориш дозаторлик пунктининг оператори Оксана Вьюгина. 2. Янги цехда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни жўнатиш. 3. Арманистонга юборилаётган девор панеллари ва керамзит-бетон блокларн.

Ш. ШАРОПОВ суратлари (ЎзТАГ).



«КОСМОС–1870»: ПАРВОЗ ТУГАДИ

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 30 июль (ТАСС). 1987 йил 25 июлда «Протон» учирувчи ракетаси билан ер атрофидаги орбитага чиқарилган «Космос-1870» ернинг сунъий йўлдоши узоқ давом этган космик парвози тугалланди.

Йўлдошнинг учиш программаси об-ҳавонинг ҳолатига ва кеча-кундузга қарамай, юксак ечимли, Ватанимизда тайёрланган биринчи радиолокация станцияси ёрдамида ерни олисдан текширишни пухталаштиришни ўз ичига олган эди.

«Космос-1870»ни икки йил давомида ишлатиш натижасида Совет Иттифоқи ва бир қанча чет мамлакатлар территорияларида, шунингдек жаҳон океани акваториясининг айрим районларида турли табиий тузилмаларнинг катта ҳажмдаги радиолокацион тасвири олинди. Радиолокацион станциянинг техник хоссалари ҳамда йўлдошнинг фойдаланиладиган юксак хусусиятлари, яъни оғирлиги 4 тоннагача келадиган илмий аппаратларни жойлаштириш учун университет космик платформанинг хоссалари тўла тасдиқланди. Ана шу платформа базасида турли мақсадларга мўлжалланган космик аппаратлар барпо этилиши мумкин.

Тадқиқот материаллари фан ва мамлакат халқ хўжалиги манфаатлари йўлида фойдаланиш учун СССР «Главкосмос» бош бошқармасининг «Табиат» давлат илмий тадқиқот ва ишлаб чиқариш марказига, СССР Фанлар академиясининг радиотехника ва электроника институтига, СССР Фанлар академиясининг космик тадқиқотлар институтига, бошқа ташкилотларга берилди, шунингдек АҚШ, Финляндия, Франция, Швеция мутахассисларига ҳам топширилди.

Бугун ердан берилган буйруқ билан «Космос-1870» йўлдоши фазода мўлжалга тўғрилаб қўйилди ва унинг двигатель қурилмалари ишга солинди. Тормозланиш натижасида йўлдош ерга тушиш траекториясига ўтди, Тинч океан акваториясининг белгиланган районидаги ҳавонинг зич қатламларига кирди ва куйиб кетди.

• *Мухбиримиз бонг уради*

ХАШАК ЎРИМИ «ХАШАКИ» ИШМИ?

Кегайли райони хўжаликларида гўшт, сут, тухум тайёрлаш аввалги йилларга нисбатан бирмунча кўпайди. Бироқ планлар бажарилса-да, чорва маҳсулотлари тайёрлашнинг ҳозирги аҳволи аҳолининг ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларига жавоб бермаяпти. Чунки, қорамоллар яхши семиртирилмагани, бунинг устига кўплаб сигирлар қисир қолаётир.

Натижада кўплаб хўжаликларда чорва маҳсулотлари тайёрлашда қолоқликка йўл қўйиляпти. Масалан, «Тўрткўл» совхозида ўтган ярим йилда 194 тонна ўрнига 161,9 тонна гўшт тайёрланди. Шунингдек, Энгельс номли, «Кегайли», «Кўкшиел» совхозларида ярим йиллик сут тайёрлаш планлари барбод қилинди.

Мустаҳкам ем-хашак базасини яратмасдан туриб чорвачиликни ривожлантириш мумкин эмаслигини район раҳбарлари яхши билишади. Эрта баҳордан то қишгача бу ҳақида кўп гапиришади. Ваъдалар беришади. Лекин амалий ишда бурилиш бўлмайди. «Халқобод», Куйбишев номли совхозларни ҳисобга олмаганда райондаги бошқа хўжаликларнинг ҳаммасида ҳашак тайёрлашнинг аҳволи ниҳоятда қониқарсиз. «Кегайли» совхозида 1900 тонна ўрнига 316 тонна, М. Жуманазаров номли совхозда 2800 тонна ўрнига 500 тонна, «Эркиндарё» совхозида 8000 тонна ўрнига 1419 тонна, «Қизил Аскар» совхозида 1700 тонна ўрнига 340 тонна ҳашак тайёрланди. Ш. Бердиханов директорлик қилаётган «Тўрткўл» совхозида, У. Бойжанов директорлик қилаётган «Кўкшиел» совхозларида хашак тайёрлаш 12-15 процентдан ошгани йўқ. Ана шу совхозларнинг кўпчилигида ўрилган беда далада ҳафта, ўн кунлаб қолиб кетяпти. Бу ҳол озуқа сифатининг пасайиши билан бирга беда ўрими кечикишига олиб келмоқда.

Район хўжаликларида 40 минг 400 тонна хашак тайёрланиши керак. Амалда шунинг тўртдан бир қисми атрофида озуқа жамғарилди. Эски беданинг иккинчиси, янги беданинг биринчи ўрими энди бошланяпти. Кўл, канал, ариқ бўйларидаги ўтларни ўриб-йиғиб олишга ишчи ва техника кучлари жалб қилинмаган. Техниканинг унуми паст. «Эркиндарё» совхозида шу кунгача атиги 1469 тонна хашак тайёрланди. 965 гектар ердан 400 тонна беда пичани ўриб олинди. — Бедаси ўриб олинган пайкаллар ва маккажўхоризорларни суғориш қийин бўляпти, — деди совхоз директори Ўтепберган Алланиёзов. — Экилган экинлар вақтида суғорилмаса кўнгилдаги ҳосилни олиш қийин. Тегишли ташкилотлар сув таъминотида ёрдам кўрсатишмаяпти. Бунақада чорва молларига яна озуқа етишмаслиги аниқ. Суҳбатимизга совхоз бош инженери Х. Елибоев билан катта агроном Т. Серимбетов ўртоқлар қўшилишди.

— Анчагина техникадан хашак ва бедани ўриб-йиғиб олишда фойдаланилмаяпти, — дейишди улар. — Масалан, ҳар бирининг баҳоси 11 минг сўмлик 2 та Е-281 комбайнни 1985, 1987 йилларда сотиб олганмиз. Уларни ишлаганидан кўра ремонтда турган вақти кўп. Тезда созлаб ишга тушириш учун эҳтиёт қисмлар йўқ. «Қозонкетган» совхозида ҳам сув таъминоти «Қозонкетган» совхозида ҳам сув танқислиги деҳқонлар ва чорвадорларни қийнаб қўймоқда. Совхоз чорвадорлари бу йил камида 3000 тонна хашак тайёрлашлари, 5000 тонна силос бостиришлари керак.

— Сувнинг танқислигидан, — деди совхоз директори Ўтепберган Иманалиев, — экинлар чанқаб қоляпти. Лимитда белгиланган 6 куб метр ўрнига 2,2 куб метр сув оляпмиз. Шунинг оқибатида дон учун экилган 90 гектар, силос учун экилган 565 гектар майдондаги маккажўхори, озуқа учун экилган ошқовоқларнинг ярми ривожланишдан орқада.

Тракторлар етишмаслигидан ем-хашак тайёрлаш, ўрилган хашакларни фермаларга олиб бориш ишлари кечиктирилмоқда.

Шунингдек, Беруний, Қўнғирот, Чимбой, Мўйноқ, Элликқалъа районлари хўжаликлари ҳам хашак тайёрлашда орқада қолмоқдалар. Гапнинг очиғи, уларда хашак ўримига «хашаки» иш деб қаралмоқда. Айниқса, обиҳаётнинг етишмаслиги туфайли беда ва маккажўхори ривожланмаяпти.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

Франция Коммунистик партияси делегацияси Ўзбекистон ҳаёти билан танишди.

Меҳмонлар Тошкентнинг диққатга сазовор ерларини кўздан кечирдилар, шаҳар корхоналари, музейларга бордилар, областнинг қишлоқ районларига сафар қилдилар, Самарқандга ташриф буюрдилар.

«Правда Востока» газетаси редакциясида делегация аъзолари билан суҳбат бўлди.

(ЎзТАГ).

• Партия турмуши: ташкилот нуфузи

УЙҒОНИШ

Қадрсиз қарорлар, ўйламай берилаётган ваъдалар, ваъзхонлик билан обрўни тиклаб бўлмайди

Самарқанд химия заводи коммунистларининг хулосаси шундай. Хўш, нима қилиш керак! Бу саволга ҳам уларнинг ўзлари жавоб топишди. Лекин бу масаланинг ечими эмас.

ФАВҚУЛОДДА ҲОДИСА ВА УНИНГ САБАБЛАРИ

Бу сафарги йиғилиш аввалгиларига ўхшамади. Ремонт-механика цехи коммунистлари ҳам, заводнинг бундан икки ҳафта олдин сайланган партия комитети секретари Азимжон Раҳмонқулов ҳам нима қилишларини билмай бошлари қотиб қолди. Чунки партия ташкилоти фаолиятида шу кунгача сира ҳам дуч келинмаган воқеа содир бўлди. Партия аъзолигига номзод А. Червяков аъзоликка ўтишни рад этиб, шу ҳақдаги фикрини бошланғич ташкилотга айтди. Шундай бўлса-да, цех партия ташкилоти коммунистлари фавқулодда ҳодисанинг сабабини билиш учун йиғилишга тўпланишди. Улар рўй берган воқеани жиддий муҳокама этдилар. Аввал Александр Червяковнинг ўзига сўз беришди:

— Шу йилнинг апрель ойида партия аъзолигига номзодликка қабул қилинганлигимга бир йил тўлди, — деди у. — КПСС Устави асосида бошланғич партия ташкилотига мени партия аъзолигига қабул қилишни сўраб ариза беришим керак эди. Лекин бермадим. Нега? Чунки мени кейинги пайтларда кўп нарса ўйлатиб қўйди. Биринчидан, кузатишимча, партия ташкилотимизнинг обрўси ниҳоятда тушиб кетди. Уни асосан биз ишониб сайлаган кишилар шу кўйга солиб қўйишди. Иккинчидан, халқнинг партияга, коммунистларга ишончи сусайиб кетди. Учинчидан, коммунистларнинг кўпчилик қисми КПСС Уставида белгиланган ўз вазифаларини тўла-тўкис бажараётганлари йўқ. Бунинг ўрнига улар партия аъзосининг иши фақат вақтида аъзолик бадалини тўлаб туриш-у, партия йиғилишларида қатнашиш деб билмоқдалар. Кечирасизлар-у, заводимизда ҳали ҳар жиҳатдан бошқаларга намуна бўла оладиган партия аъзоси жуда ҳам оз. Ўтказилаётган йиғилишлар ҳам фойда бермаяпти. Унда фақат вақтни йўқотяпмиз, холос. Сабаби — йиғилишларда айтилган гаплар, танқидий фикрлар, қабул қилинган қарорлар қоғозда қолиб кетяпти. Унинг ижросига эришиш ва бу ишни изчил назорат қилиб боришнинг ўзи амалда йўқ.

Узоққа бормайлик, яқинда партия комитети Фарғонада содир бўлган воқеалар муносабати билан барча коммунистларни тўплади. Мен ҳам алоҳида қизиқиш билан йиғилишга бордим. Пролетар, социалистик интернационализм ва совет ватанпарварлиги ғояларини меҳнаткашлар оммасига изчиллик билан сингдириш, миллатчилик ва шовинизм кўринишларига қарши курашиш, СССР халқларининг дўстлигини мустаҳкамлашга фаол кўмаклашиш коммунистнинг энг муҳим вазифаси эканлиги партия Уставида алоҳида ёзиб қўйилган. Бироқ бу соҳада заводимизда аҳвол яхши эмас, интернационал тарбия, умуман эътибордан тушиб қолган, на партком мажлисларида ва на умумий йиғилишларда бу ҳақда бирон марта сўз юритилганлигини эслай олмайман. Бунинг устига ишчилар кўпчилик бўлиб юқори ташкилотларга шикоят хати билан мурожаат қилишган. Мана шундай шароитда партия йиғилишининг ниҳоятда ишчанлик билан ўтишини, кишиларнинг фикр ва мулоҳазалари қунт билан эшитилишини кутгандим. Амалда эса бундай бўлмади. Масалага жуда ҳам жўн ёндашишди. Район партия комитетидан вакил бўлиб келган район прокурори Фарғона воқеаларини ҳазил-мутойиба билан гапириб берди. У-ку район вакили, содир бўлган фожиага завод коммунистларининг ўзи бефарқ муносабатда бўлгани дилимга туз сепди. Партия йиғилишининг масъулиятсизлик билан, фақат юқори ташкилотга ахборот бериш мақсадидагина ўтказилгани очиқ-равшан бўлиб қолди.

Бизда бундай воқеалар якка-ёлғиз эмас. Умуман ҳамма нарсага расмиятчилик билан қараш, йиғилишларда белгиланган тадбирларни остона ҳатлаб унутиб юбориш одат бўлиб қолган. Мен ана шулар ҳақида узоқ ўйланиб, мулоҳаза қилиб, ҳозирча партия аъзолигига қабул ҳақидаги аризани бермасликка, бироз вақт кутишга қарор қилдим. Энди менинг масаламни қандай ҳал этиш эса сизларга ҳавола...

Агар токарь Александр Червяковнинг ўрнида бошқа киши бўлганида цех коммунистлари балки масалани дарров шу ердаёқ узил-кесил ҳал қилиб қўйишган бўлармиди. Аммо улар бу гал масалага бошқача ёндашишди. А. Червяковнинг мушоҳадаси кўпчиликни ўйлантириб қўйганди. Бунинг устига у цехнинг энг илғор, обрўли ишчиси эди. Жамоат ишларини ҳам жон-дили билан бажариб келяпти. Ҳалол, виждонли, билимли йигит. Цех касаба союз комитетининг раиси. Хуллас, партия аъзоси деган шарафли номни олишга ҳар томонлама муносиб ишчи. Шундай бўлгач, нима қилиш керак?

Биринчи бўлиб кекса коммунист, мастер Раҳмат Муҳамедов сўз олди.

— Мен бир жиҳатдан Сашанинг фикрига қўшиламан, — деди у. — Аммо масаланинг бошқа жиҳати ҳам бор. КПСС Устави партия ҳаётининг асосий қонуни, унга тўла риоя қилиш барча партия ташкилотлари ва коммунистлар учун мажбурийдир. Демак, Уставнинг 16-моддасини қўлланадиган бўлсак, Червяковни сафимизга қабул қилиб бўлмайди. Чунки унинг номзодлик муҳлати ўтиб кетган. Лекин, масаланинг яна бир томони ҳам бор. Номзодлик даврида Александр ҳар жиҳатдан ўзини кўрсатди. Шахсий хислатларини намоён этди. Уни сафимиздан йўқотишимиз ҳам оғир. Матбуотда шу хилдаги воқеаларни тез-тез ўқиб турибмиз. Демак, бундай касаллик фақат биздагина эмас, бошқа ташкилотларда ҳам рўй бераётган экан-да. Мана энди ҳамма қонунлар ҳам, шу жумладан КПСС Устави ҳам умрбоқий эмаслиги аён бўлиб қолди. Шундай экан, уни янги қоидалар билан бойитиш, қисман ўзгартишлар киритиш зарурати вужудга келмадимикан. Мен ана шулар ҳақида мушоҳада қилар эканман, партия аъзолигига номзоднинг тайёргарлик даври муддатини белгилашни бошланғич ташкилотнинг ўзига топшириш вақти етди, деган хулосага келдим. Агар ана шундай бўлганида биз Червяковга уни синаш учун яна бир йил муддат берган бўлардик.

— Мен Раҳмат аканинг таклифига тўла қўшиламан, — деди қуювчи М. Сафаров. — Ҳозир КПСС Устави нормаларини бузиш ҳоллари анча кўпайганлиги ҳеч кимга сир эмас. Демак, партия қонунини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш зарур бўлиб қолди. Айниқса, партия сафига қабул ва ундан чиқариш ҳақида баъзи ўзгартишлар киритишни жамиятимизда кечаётган қайта қуриш ва янгиланишнинг ўзи талаб қилмоқда. Мен ана шундан келиб чиқиб Уставга партия аъзолигига номзодлар ўз хоҳишлари ва бошланғич партия ташкилоти ихтиёри асосида ариза бериш муддатини уч йилгача чўза оладилар деган қоидани киритишни таклиф қиламан. Бу баъзи партия аъзолигига номзодларнинг ўз келажакларини ўйлаб кўриб, тўғри хулоса чиқариб олишларига ёрдам берган бўларди.

— Партияга ҳалол, пок, ҳар жиҳатдан бошқаларга ўрнак бўладиган кишилар жуда ҳам керак, — деди цех партия ташкилотининг секретари В. Кравченко сўз олиб. — Қолаверса, номзодлик муҳлати узил-кесил бир йил қилиб қўйилмаса бошланғич партия ташкилотининг ролини ошириш учун имконият яратилган бўларди. Шу билан бирга бошланғич ташкилот тарбия мақсадида номзоднинг аризасини бир-икки йилга рад этиши мумкин бўларди. Александр Червяков билан боғлиқ масала, унинг партия обрўси, коммунистларнинг коллективда тутган ўрни ва роли ҳақидаги фикри ҳаммамизни ҳам шу ҳақда мулоҳаза юритишга мажбур қилади.

Шундан сўнг токарь Осман Измаилов сўз олди: — Бугун партия оғир даврни бошидан кечиряпти, — деди у. — Унинг қайта қуриш талабларидан орқада қолаётгани, обрў-эътибори бирмунча пасайгани ҳам рост. Буни ўртоқ М. С. Горбачев ҳам КПСС Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгашда таъкидлади. Аммо партия ишини тубдан қайта қуришга эришиш фақат биз — коммунистларнинг вазифамиз-ку. Ана шундай оғир вазиятда Червяковнинг партия сафига киришдан воз кечиб, орқага чекинганлигини сира ҳам оқлаб бўлмайди.

Моделчи Иззат Сатторов сўз сўради. — Червяков партия обрўси масаласини кўтаради, — деди у. — Бу жуда долзарб масаладир. Мен 35 йилдан бери шу заводда ишлайман. 10—15 йил ишлаган кишилар меҳнат ветерани нишонини олишяпти, бироқ менга ҳатто фахрий ёрлиқ ҳам беришгани йўқ. Бу партия ташкилотининг коммунистлар тақдири билан қизиқмай қўйганлигини кўрсатмайдими?

Биз аъзолик бадали тўлаймиз. Шу пул қаерга кетяпти. Бирорта оддий коммунист КПСС Марказий Комитети ишлар бошқармасининг санаторийларида даволандими? Бирорта оддий коммунист дам олишга чиққанида саломатлигини мустаҳкамлаш учун қўшимча маош олдими? Йўқ. Қарангки, йиллар давомида ана шундай қулайликларга эга бўлган айрим кишилар партиямизга доғ туширишди.

Бугун коммунистлар орасида адашиб қолган, мансаб учун, обрў учун партияга аъзо бўлган кишилар кўп. Уларни топиб ва ушлаб бўлмайди. Уларнинг юзидаги ниқоб ҳам мустаҳкам. Ундайлардан қутулишнинг эса битта йўли бор. КПСС Уставига истаган киши партиядан ихтиёрий чиқиш ҳуқуқига эга, бу унинг келажагига таъсир кўрсатмайди, деб ёзиб қўйилса, шахсий манфаатини кўзлаб партияга кирган кишилар дарров ариза беришади. Чунки бугун партия аъзоси учун ҳеч қандай алоҳида имтиёз йўқлигини улар сезиб қолишди. Иккинчидан: оилавий ташвиш туфайли партия ташкилотидан ажралиб қолаётган кишилар учун ҳам қулай бўларди. Ҳозирги шароитда аъзолик бадалини тўлашга қийналиб қолаётганлар ҳам орамизда йўқ эмас. Агар уни партиядан чиқаришса, тўғрироғи ўчиришса, келажакда бу воқеа унинг фарзандлари тақдирига салбий таъсир кўрсатишини билади. Хўш, бундай мажбурийлик билан обрў орттириш мумкинми?

Хуллас, бу йиғилишда бошқа жуда кўп масалалар ҳам кўтарилди. Коммунистлар партия ички демократиясини ривожлантириш, партия аъзолигига қабул ва ундан чиқариш, коммунист этикасига нисбатан қаттиқ талаблар қўйиш юзасидан КПСС Уставига янги, конкрет қоидалар киритишни таклиф қилдилар. А. Червяковнинг масаласи эса очиқлигича қолди. Биз бошқаларнинг ҳам ана шу ҳақдаги фикр-мулоҳазаларини билиш мақсадида эртаси куни завод партия комитетида давра суҳбати уюштирдик. Унда йигирма нафар коммунист, партия комитети аъзолари, Боғишамол район партия комитети вакиллари ҳам иштирок этишди. Суҳбат жуда қизғин, баҳс-мунозарали бўлди. Биз қуйида ҳеч қандай қўшимча-ўзгартишларсиз, фақат жузъий қисқартиш ва айрим таҳрирлар билан суҳбат мазмунини келтиряпмиз. Чунки бу билан кўтарилган масалага нуқта қўйиш мумкин эмас. Бу фақат баҳснинг бошланиши, холос.

КИМ, НИМА ДЕЙДИ?

Суҳбатда биринчи бўлиб буғ-газ участкасининг бошлиғи Б. Жуманов сўз олди.

Б. ЖУМАНОВ: — ремонт-механика цехида бўлган йиғилиш ҳақида кўпчилик дарров хабардор бўлди. Шахсан менга бу қаттиқ таъсир қилди. СССР халқ депутатлари съездида ёзувчи Белов илгари партияга обрў орттириш учун кирардилар, энди эса обрў орттириш учун уни тарк этмоқдалар, деди. Хўш бундай сохта обрўнинг кимга кераги бор. Партиянинг обрўйи ҳали баланд. Фақат айрим кишилар ўз шахсий манфаатлари йўлида унинг обрўсини тўкиб қўйдилар. Гап бошқа, иш бошқа бўлиб қолганлигига партия эмас, раҳбарлар жавобгар. Ахир, партия сафида миллионлаб ҳалол, пок кишилар бор. Нима учун ўз шахсий манфаатини кўзлайдиган бир ҳовуч қаллоблар қилмиши учун партияни айблашимиз керак? Партия бу — миллион-миллион ишчилар, заҳматкаш кишилар дегани. Улар бор, улар курашмоқдалар. Шундай экан, мен Червяковга тушуна олмаяпман. Энг қийин пайтда чекиниб, тўлқинлар тўш уриши тинганида юзага қалқиб чиқишнинг нима кераги бор. Червяковнинг ҳозирги қилмиши сингари воқеалар партия ташкилотимизда кўплаб содир бўляпти. Томчи тошни тешганидек бу воқеалар йиғилиб ҳаммамизнинг обрўйимизга путур етказади-да.

Д. БАРУНКИН, сув-канализация цехи мастери: — Илгари партия комитети секретари ўринбосари бўлиб ишлаганман. Аввало партия обрўси хусусида. Одамлар бугун унинг фаолиятига иқтисодий натижаларга қараб баҳо беришмоқда. Биз кўп нарсани йўқотдик. Энди ана шуларни тиклашимиз керак. Партия ташкилотлари кейинги вақтда асосан турли хил тадбирлар белгилайдиган, қоғоз билан ишлайдиган бюрократик ташкилотга айланиб қолди. Вахолонки, расмиятчилик учун тузилган ҳар қандай тадбир фақат обрўни поймол қилади, холос.

Одамлар жамоат ташкилоти иши билан шуғулланмай қўйишди. Нега? Чунки самараси бўлмаяпти. Қолаверса хўжалик ҳисоби шароитида, яъни моддий манфаатдорлик илгари сурилганида жамоат иши ортда қолиб кетади. Шу боис партия топшириғини бажараётган ўнлаб, юзлаб секретарларга қийин. Буни ҳамма тушунади. Аммо ҳеч ким жон койитгиси келмайди. Энди уларнинг ўзлари ҳам ишни ташлаб қўйишяпти. Қизиқишлари сўнди. Кўтарилиб партия ишига ўтаман деса, маоши озаяди. Мана, масалан, янги секретаримиз Азимжон Раҳмонқулов илгари бинойидай инженер эди. Яхшигина маош ҳам оларди. Ҳоли-жонига қўймай уни партком секретари қилиб сайладик, маошидан эса 160 сўм йўқотди.

Демак, ўз вазифасидан ажралмаган ҳолда ишлаётган бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг моддий манфаатдорлигини ошириш зарур. Бунинг учун эса тўпланган аъзолик бадаллари ҳисобидан давлат банкида ҳар бир йирик партия комитетининг шахсий ҳисобини очиш, жамғармасининг бир қисмини ўзида қолдириш керак.

ЛУҚМА: — Ҳозир жами аъзолик бадалларининг уч проценти ажратиляпти, шекилли?

Д. БАРУНКИН: — Тўғри, ажратиляпти. Лекин район партия комитети уни ўзи тақсимлаб, ҳамма ташкилотларга баравар тарқатаётир. 328 коммунисти бўлган заводимизга бир йилда 320 сўм ажратилса бу пулга кўргазмали жиҳозлар олинадими ёки секретарлар рағбатлантириладими? Ахир, бу маблағ ақалли партия комитети ишлатаётган қоғоз-қаламга ҳам етмайди-ку!

● МАСАЛА НЕГА ОЧИҚ ҚОЛДИ!

● ПАРТИЯГА ОБРЎ УЧУН КИРМАЙДИЛАР

● БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ СЕКРЕТАРИ МОДДИЙ МАНФААТДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЗАРУР

● КОММУНИСТНИ ЖАЗОЛАЙДИЛАР, АММО ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ БУНДАН БЕХАБАР ҚОЛАДИ

● ДИРЕКТОР ПАРТКОМ АЪЗОСИ БЎЛА ТУРИБ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ БИЛАН ҲИСОБЛАШМАЙДИ!

● РАҲБАР ХАЛҚНИНГ ДАРДИГА ШЕРИК БЎЛСА, ХАЛҚ ҲАМ УНИНГ ДАРДИНИ ТУШУНАДИ

● КОММУНИСТЛАР КПСС УСТАВИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА ТАКЛИФ БИЛДИРДИЛАР

Обрў иш билан келади. Биз эса уни гап билан қозонишга одатландик. Бундай касаллик бошланғич ташкилотдан юқори органларгача юққан. Масалан, шаҳар ижроия комитети раиси Мустафоқул Ғаниев билан учрашиб, ундан қанд, шакар, умуман ҳозир камёб бўлиб қолган озиқ-овқат маҳсулотлари таъминоти масаласини ҳал қилиб беришни сўраганимизда, у бўлса «хотин-қизлар дам олишсин, мураббо қилиб чарчашмадими?» дейди-я. Балки у совун йўқлигини оқлаш учун эртага ҳаммани кир ювмасликка чақирар? Бугун кўп нарса раҳбарга боғлиқ. Лекин улар одамлар билан учрашиб, дардларига қулоқ солишмаяпти. Область партия комитети секретарлари ишчилар ҳузурига келишяптими? Ўртоқ А. С. Икромов биринчи секретарь бўлиб сайланганига бир йил тўляпти-ю, аммо биз уни ҳалигача танимаймиз. Шаҳар партия комитети биринчи секретари Носир Ёқубов ҳам СССР халқ депутатлигига сайлов кампанияси даврида номзоди кўрсатилгани учун учрашувга келди, холос. Хўш, уни сайлашмади, демак айтилган гаплар, берилган ваъдалар ҳавога учиши керакми? Ахир, у биринчи секретар-ку!

Ю. ШАПОВАЛОВ, 3-фосфор экстракцияси кислотаси цехи катта мастери: — Энг катта фожиамиз — қабул қилинган қарорлар қоғозда қолиб кетмоқда. Нега? Бу иш асосан партия комитети секретарига, унинг шу ерда муқим ишлашига боғлиқ. Биз катта умидлар билан секретарни сайлаб унга иш ўргатамиз, аммо секретарь кўзга кўриниб қолиши билан уни дарров бошқа ишга олиб кетишади. Кейинги икки-уч йилда неча марталаб шундай бўлди. Хуллас, секретарларнинг қўнимсизлиги партия ташкилоти ишига жуда катта салбий таъсир кўрсатяпти. Мен партия комитети обрўсини тушириб юборган сабаблардан бири ана шунда деб биламан. Шуни эътиборга олиб, партия ташкилоти секретарларини навбатдаги ҳисобот даври келгунича бошқа ишга кўчиришни тақиқлаб қўйишни КПСС Уставига алоҳида модда қилиб киритишни таклиф этаман. Бу, партия ташкилоти ишига фақат фойда келтиради.

А. ОМОНОВ, давлат қабул комиссияси вакили, партком аъзоси: — Партия ташкилотининг обрўси энг аввало ўзи қабул қилган қарорнинг ижросини изчил назорат қилиб боришига боғлиқ. Аммо баъзи секретарларнинг масъулиятсизлиги ҳам коллективнинг кўз ўнгида ташкилотимизни бебурд қилиб қўйяпти. Масалан, ўтган йил 9 ноябрда партия комитетида содир бўлган воқеани эсланг-а: шу куни партком мажлиси муҳокамасига иккита масала — 3-фосфор экстракцияси цехининг капитал ремонти ҳамда 1- ва 2-аммофос цехларида коммунистларнинг авангардлик ролини ошириш масалалари киритилган эди. Цех партия ташкилотлари секретарлари А. Шмелев ва В. Прянниковнинг тайёргарлик кўрмагани сабабли бу муҳим масалалар кун тартибидан тушиб қолди. Партком секретарининг ҳам ўз вазифасини яхши билмаганлиги сабабли мажлислар муҳокамасида етилган, йирик масалалар ўрнига енгил-елпи вазифалар билан ўралишиб қолинаётгани ҳам коммунистлар кўнглини сиёсий ишдан совутиб қўймоқда. Тўғри, секретаримиз Георгий Ким коллектив ёрдамини ололмай қийналиб қолди, коммунистларга изчил раҳбарлик қилолмади, 21 июнда эса касаллигини айтиб ишдан бўшади. Аммо...

А. РУСТАМОВ, 3-олтингугурт кислотаси цехи мастери: — Аммо, партия йиғилишида унинг ҳисоботини эшитмай, осонлик билан жавоб бериб юбораверишди. Яна ўша йиғилишда пенсионер Б. Даниленко партком секретарини аввалдан белгиланган резервдан сайланмагани сабабини сўраганида, райком секретари И. Аглеулованинг берган жавобини эсланг-а. У партком секретарлигига Раҳмонқуловнинг номзоди қўйилганлигига «партком резерви фақат қоғозда экан», деб жавоб қайтарди. Демак партия ташкилотимиз амалий ишлар билан эмас, балки қоғозбозлик билан шуғулланган экан-да. Шундай бўлгач, унинг ишлаб чиқаришга таъсири кейинги йилларда сезилмай қолганлигига ажабланмаса ҳам бўлади.

А. ОМОНОВ: — Ҳар қандай секретарь ҳам ўзига берилган жамоат топшириғи билан асосий ишидан кейин бўш вақт топсагина шуғулланади. Партия ишида қоғозбозликнинг кучайгани сабабларидан бири ана шунда. Мен бу тўғрида мулоҳаза қилиб шундай тўхтамга келдим. КПСС Уставига ўз ишидан ажралмаган ҳолда партия топшириғини бажараётган секретарлар учун ҳафтада бир кун жамоат юмушини уддалашга вақт берилсин, шу кун учун тўланадиган ҳақ унинг ўртача маоши доирасида партия бюджетидан қоплансин, деб ёзиб қўйилишини таклиф қиламан. Акс ҳолда иш юришмайди.

Партия ташкилоти ролини ошириш учун яна бир нарсага эътиборни қаратмоқчиман. Коммунист тақдири билан боғлиқ бўлган барча масалаларни ҳал қилиш партия ташкилоти ихтиёрида бўлиши керак. Баъзилар амалда шундай-ку, деб эътироз билдиришар. Йўқ, амалда шундай бўлмаяпти. Коммунист ишлаб чиқаришда йўл қўйган хатоси ёки айби учун маъмурият уни жазолайди-да, кейин муҳокама қилгани бошланғич партия ташкилотига юборади. Ҳатто жиноят содир қилган коммунистлар тақдири ҳақида ҳам у партиядан ўчириб юборилганидан кейингина эшитиб қоляпмиз.

А. РУСТАМОВ: — Дарҳақиқат, партия нега обрўсини йўқотди? Партия эмас, эл назарида коммунистлар обрўси тўкилди. Уларнинг сояси эса бошланғич ташкилотларга ҳам тушди. Хўш, бизда нега шундай бўлди? Бунинг сабаблари кўп. Унинг бир учи маъмуриятга бориб тақалади. Масалан, завод директори ўзи партком аъзоси бўла туриб партия комитети билан ҳисоблашмайди. Мен ҳам партком аъзосиман, аҳволдан жуда яхши хабардор бўлганим учун айтяпман.

САВОЛ: — Акрам Исмоилович, ахир Владимир Коряковни директор этиб коллективнинг ўзи ўтган йили сайлаган эди-ку?

А. РУСТАМОВ: — Мен ўшанда ҳам унинг номзодига қарши чиққандим. У ўз программаси билан одамларни маҳлиё қилиб қўйди. Бироқ коллективга берган ваъдасининг устидан чиққани йўқ. Программаси қоғозда қолиб кетди.

ОВОЗ: — Йўқ, кўп нарса бажарилди.

А. ОМОНОВ: — Ҳа, бажарилди, масалан, директор ўзи ва ўринбосарларининг иш кабинетларини ҳашаматли қилиб безатиб олди. Идора ходимлари учун бар очиб берди. Заводда эса ҳеч қандай ўзгариш бўлмади. Аҳвол аввалгидай оғирлигича қоляпти. Олти ойлик планлар ҳам бажарилмади.

ОВОЗ: — Жиззах оҳак заводи етарли миқдорда хом ашё бермай панд бериб қўйди.

А. ОМОНОВ: — Тўғри, шундай ҳам бўлди. Аммо бундай бўлиши олдиндан маълум эди-ку. Жиззахдаги завод ремонтга тўхташини била туриб дирекция нега ҳаракатини қилмади?

А. РУСТАМОВ: — Мен сўзимни давом эттираман. Тўғри сўзлигим учун ҳозир мен ишлаётган штатни қисқартириб, ўзимни мастерликдан бошқа ёққа ўтказишяпти. Хўш, партком аъзолари якдил бўлмай, аксинча улар ўртасида ана шундай келишмовчиликлар авжига чиқаётган экан, бу аҳволда партия ташкилоти обрўси қоладими? Мен айни пайтда КПСС Уставига ўзгартишлар киритиш тўғрисида бўлаётган таклифларга тўла қўшиламан. Қолаверса, бугун партия ташкилоти секретари ҳақида статус керак, деб ўйлайман.

Б. ЖУМАНОВ: — КПСС Уставида партияга кираётган кишига тавсиянома берадиган коммунист у билан бир йил бирга ишлаб таниган бўлиши зарурлиги айтилган. Мен буни жуда ҳам кам муддат деб биламан. Чунки бундай қисқа вақт ичида кишининг қандай эканлигини чуқур билиб олиш қийин Шу сабабли Уставнинг 4-моддасига коммунистнинг ўзи тавсиянома бераётган кишини билиш муддатини камида икки йил қилиб ёзиб қўйиш керак. Ана шунда Червяков воқеасига ўхшаш воқеалар содир бўлмайди.

Д. БАРУНКИН: — Мана, Бахтиёр Жуманов ҳам КПСС Уставига ўзгартиш киритиш тўғрисида гапирди. Ўртоқлар, мамлакат миқёсида коммунистлар таклифлари билан Уставга ўзгартиш ясалиб, намунали партия қонуни қабул қилинар, бироқ ҳаётда ҳеч нарса ўзгармай қолиши ҳам мумкин. Мен партия Уставига тузатишлар киритилгани билан унинг йўқолган обрўсини тиклаш жуда ҳам оғир деб биламан. Обрў гап билан эмас, амалий ишлар билан орттирилади. Бизда эса кўпинча бунинг акси бўляпти. Кўп гапиряпмизу, амалий иш эса жуда оз. Агар одамлар ҳар бир коммунист шароитни яхшилаш, турмушни гўзал қилиш учун нимадир қилаётганини кўрмас эканлар, улар бизга ишонишмайди. Битта мисол: Суперфосфат посёлкаси бўйича талабларимизни Боғишамол район партия комитети олдига қўйдик. Улар ҳатто бу ерда кўчма бюро мажлиси ўтказишди. Лекин ҳамма иш шу билан тугаб қўяқолди. Бюронинг қарори амалга ошмай, қуруқ гаплигича қолган экан, мен энди райкомга ишонаманми?

Бир куни мени Самарқанд шаҳар Совети сессиясига таклиф қилишди. У ерда ҳамма муаммоларни айтдим. Қарсаклар билан кузатиб қолишди. Натижа нима бўлди денг? Кунларнинг бирида шаҳар ижрокомидан телефон қилиб, протокол учун нутқим текстини сўрадилар. Демак, мен айтган гаплар ҳавога учган. Худди ана шу сабабли таклифларимнинг бирортаси ҳам амалга ошмади. Худди ана шундай ўнлаб коммунистларнинг таклифлари, партия йиғилишларида айтилдию, бироқ шу куниёқ унутиб юборилди. Хўш, шундай экан, нима учун одамларни овора қилиб йиғилиш ўтказиш лозим? Мажлис қилавериб чарчамадикми? Умуман бу сўзамол, аммо амалда тайинли иш билан шуғулланмайдиган идоралар кимга керак? Шаҳар ижрокоми раиси ўртоқ Ғаниевни ким танийди? У бирор марта бўлса-да, ишчилар ҳузурига келдими?

Р. ЭРГАШЕВ, автоматика ва контроль ўлчов асбоблари цехи партия ташкилоти секретари: — Узоққа бориб нима қиласиз? Ўзимизнинг директор ишчилар ҳузурига келадими? Уни сайлаганимиздан кейин цехга бир келди-ю, сўнг қорасини кўрсатмай кетди. Ахир, у ҳозир қилаётганидек шаҳарма-шаҳар кезиши керакми, ёки цехма-цех юриб, ишлаб чиқариш билан шуғулланиши керакми?

САВОЛ: — Рустам Эркинович, мана сиз ишчисиз, бу сизнинг шахсий фикрингизми?

Р. ЭРГАШЕВ: — Йўқ, аксарият ишчилар шундай дейишмоқда. Умуман раҳбарларга қараб партияга баҳо беришмоқда бугун. Агар раҳбарлар алоҳида эмас, халқ билан ёнма-ён бирга яшаб унинг дардига шерик бўлганида халқ ҳам раҳбарнинг дардини тушунарди. Махсус хизмат кўрсатадиган магазинлар, поликлиникалар ҳақида, махсус транспорт тўғрисида эса гапирмаса ҳам бўлади. Ҳеч бўлмаса СССР халқ депутатлари съездидан кейин бундай махсус хизматларни бекор қилишар, деб ўйлагандим. Афсус, тағин гапдан ишга ўтмаяпмиз.

В. НОСАЧ, электр таъминоти цехи катта алоқа инженери: — Ҳақиқатан ҳам муҳим масалани муҳокама қиляпмиз. Менинг фикрим битта — халқни иқтисодий жиҳатдан таъминламасдан туриб обрўни ошириш мумкин эмас. Қолаверса идеология иши билан амалда ҳеч ким шуғулланмай қўйди. Ўртоқ М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетидаги кенгашда идеологияни бир лаҳзалик манфаатларга бўйсундирдилар, янгилаш ва ишонтириш вазифаси пасайтирилди, уни кўп жиҳатдан оммадан ажратиб қўйдилар, деб жуда тўғри гапирди. Кишилар ўртасида оммавий-тарбиявий ишлар деярли йўққа чиққани партия ташкилотимиз фаолиятининг сусайишига олиб келди.

Яна бир муҳим муаммо ҳақида. Мен яқинда бир иш билан область партия комитетига бордим. Аммо ёнимда партия билетим бўла туриб обкомга кира олмадим, тўғрироғи милиция йўлимни тўсди. Хўш, айтингчи, нима учун коммунист бўла туриб ўзимни қийнаётган масала тўғрисида партия юқори органида ишлаётган ҳаммаслагим билан бемалол суҳбатлаша олмайман? Уни милиция кимдан қўриқляпти. Биз — коммунистларданми? Бу ҳам партия комитети халқдан ажралиб қолаётганининг бир кўриниши эмасми?...

СУҲБАТДАН СЎНГ...

Биз давра суҳбатида сўз олган барча коммунистларнинг фикр-мулоҳазаларини тўлиқ келтира олмадик. Газета саҳифаси чекланганлиги бунга имкон ҳам бермайди. Лекин Бахтиёр Жуманов партия комитети аъзолари масалани коллегиал ҳал этишмаётгани, ижро назорати ташлаб қўйилгани ҳақида куйиниб гапирди. Акрам Рустамов демократиядан ўз манфаати учун фойдаланиш иллати илдиз отаётганини ташвиш билан айтди. Ваъдадан нарига ўтилмагани, қарорлар беқадр бўлиб қолгани туфайли мана шундай аҳвол юзага келди. Шунингдек В. Лазарев, И. Смирнова ва бошқалар ҳам етилган, ҳал этилиши лозим бўлган энг долзарб масалаларни кўтаришди.

Дарҳақиқат, партия комитети иши билан танишар эканмиз, бу ерда жуда ҳам ташвишли аҳвол вужудга келганлигига, унга зудлик билан ёрдам бериш зарурлигига тўла ишонч ҳосил қилдик. Азимжон Раҳмонқулов партком секретари бўлиб сайланган дастлабки кунданоқ ғайрат билан ишга киришди. Лекин унга ҳам осон кечмайди. Буни ўзи ҳам билади. «Ҳатто, партком ўзбек тилида чиқадиган бирорта газета олмас экан, бошқа ёғини ўзингиз тушунаверинг», — дейди у куюниб.

Ҳа, бошқа ёғини тушуниш қийин эмас. Гап шундаки, Боғишамол район партия комитети, Самарқанд шаҳар ва область партия комитетидагилар унга ёрдамга келишармикан? Ёки у ҳам бошқа ўтмишдошлари сингари ўз ёғига ўзи қоврилиб юраверармикан?

Шу ўринда бир нарсани мамнуният билан қайд этиш лозим. Коммунистлар характерида уйғониш туйғуси сезилиб турибди. Бу кўникиш уйқусидан, келишувчилик, бепарволик, лоқайдлик уйқусидан уйғониш туйғусидир. Демак, улар партком секретарини ёлғизлатиб қўйишмайди. Керак бўлганда талаб қилишади, лозим топилганда ёрдам ҳам беришади. Хулоса шуки, завод коммунистлари ҳар биримиз учун ғоят аҳамиятли бўлган энг долзарб масалаларни кўтаришди. Куни кеча КПСС Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгашда ҳам шу хусусда гап борган эди. Ўртоқ М. С. Горбачев кенгашда сўзлаган нутқида айниқса бошланғич партия ташкилотларининг сафарбарлик ролини ошириш тўғрисида қайта-қайта уқтирди.

У таъкидлаганидек, партиянинг обрў-эътиборини мустаҳкамлашнинг бош шарти шундан иборатки, партия ташкилотининг ўзи жўшқин ҳаракат қиладиган бўлсин, одамларга яқин турсин, етилган масалаларни коллектив билан биргаликда ҳал қилсин. Мамлакат коммунистларининг навбатдаги съездига тайёргарлик бошланар экан, ана шу кўрсатмаларни изчил амалга оширган ҳолда, энг аввало, партия ташкилотлари ва коммунистларнинг жанговарлиги, ташаббускорлиги ва авангардлик ролини тиклаш хусусида батафсил ўйлаб олишимиз, амалий қадамлар ташлашимиз жуда зарурлиги сезилиб қолмоқда.

Редакцияга келаётган хатлар орасида ҳам партиянинг маънавий соғлиги учун коммунистларнинг шахсий масъулиятини ошириш, партия ички демократиясини ривожлантириш, партияга қабул ва ундан чиқаришга нисбатан янада қаттиқроқ талаб қўйиш, умуман, коммунистларнинг ўз бурч ва вазифаларига оғишмай амал қилишларига эришиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилган хатлар ҳам кўп. Уларнинг муаллифлари КПСС Уставига янги, конкрет қоидалар киритиш тўғрисидаги таклифларини ҳам айтмоқдалар. Эҳтимол партия XXVIII съездида КПСС Уставига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масала ҳам муҳокама этилар. Шу жиҳатдан Самарқанд химия заводида ўтказилган партия йиғилиши ва давра суҳбатида кўтарилган масалалар ўз моҳият эътибори билан айниқса, муҳим ва долзарбдир. Ҳурматли газетхонлардан ана шу ҳақда ўз фикр-мулоҳазаларини, таклиф ва истакларини ёзиб юборишларини сўраймиз.

Р. ТУРСУНОВ,
Ж. МАМАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

• *Жиддий социал-иқтисодий масала*

ТОМОРҚА ШАХСИЙ, МАНФААТИ УМУМИЙ

Республика ҳукуматининг қишлоқда яшовчи ҳар бир оилани томорқа билан таъминлаш ва уларга якка тартибда уй-жой қуриб олиш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш ҳақидаги қарорини қишлоқ аҳолиси зўр мамнуният билан кутиб олгани бежиз эмас. Чунки томорқа хўжалиги шахсий хўжаликлар моддий фаровонлигини ошириш билан бирга аҳоли дастурхонини тўкин, файзли қилишда бебаҳо резерв ҳисобланади.

Республикамиздаги экин майдонларининг 4,2 процентини ташкил этган томорқа хўжаликлари жами етиштирилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг қарийб 40 процентини бераётгани фикримизнинг далилидир. Демак, томорқа майдонларини кенгайтириш билан ҳозир танқис бўлиб турган мева, узум, картошка, сабзавот, полиз ва чорвачилик маҳсулотларини кескин ошириш мумкин. Аммо бу борада ечимини кутаётган долзарб муаммолар ҳам борки, уларни ҳал этмай мақсадга эришиш мушкул.

Кимга бойлик, кимга ташвиш

Ўзбек халқи қадимдан ерни яхши кўради. Бир парча жой бўлса ҳам иложи борича кўкаламзорлаштириш, мевали кўчат, сабзавот экиб ҳосил олишга ҳаракат қилади. Қишлоқни қўя турайлик, шаҳарлардаги маҳаллаларда бўлсангиз бир қаватли иморатлар гўё яшилликка ғарқ бўлгандек. Кичик-кичик томорқаларидаги олма, олча, гилос, нок, олхўри, шафтолилар кўзни қувнатади дилни яшнатади.

Лекин сўнгги йилларда шаҳарликлар, хусусан пойтахт шаҳри ва унга туташ районлар аҳолиси томорқаларидан иложи борича кўпроқ манфаат олиш мақсадида кўпроқ гул экишга ўтиб олишяпти. Иссиқхоналар қуриш учун кўпинча неча йиллардан бери одамларга ризқ-рўз, шифобахш неъмат ато этиб келаётган ноёб мевали дарахтлар қўпориб ташланмоқда. Гулчилар ўзлари етиштиришлари мумкин бўлган мева, сабзавотни бозордан харид қилишни афзал кўришяпти. Натижада бозорлардаги нарх-наво тобора кўтарилиб бормоқда.

Тўғри, гул эзгулик, гўзаллик рамзи. Одамларга қувонч, хуш кайфият бағишлайди. Бироқ кўпинча бировларга шодлик келтирган гулхоналар, бошқаларга ташвиш келтирмоқда. Шундоқ ҳам саноат корхоналари, транспорт техникаси чиқиндилари билан ифлосланган ҳавони янада булғамоқда. Тупроғи олтинга тенг еримизнинг заҳарланишига олиб келяпти.

Маълумки, гулхоналар асосан, керосин, солярка, кўмир билан иситилади. Қиш ойларида кўпчилик ёқилғи етишмай совуқда ўтирган бир пайтда гулхоналарда тонналаб шундай ёқилғи ишлатилади. Иситиш мосламаларининг дудбуронидан чиққан турли хил заҳарли газлар баъзида шу жойдан ўтганларнинг томоғини ачитиб, кўзларини қизартириб юборади. Содда қилиб айтганда, заҳарлайди.

Бундан ташқари, айрим уддабурон гулчилар ўсимликнинг яхши ривожланишини таъминлаш мақсадида турли хил кимёвий моддаларни ишлатадилар. Улар ҳам тупроқни, ҳам ҳавони булғайди. Табиатга, инсонлар саломатлигига зарар етказади.

Редакциямизга Калинин районидаги Калинин номли колхозда истиқомат қилувчи Т. Каримов ва С. Пўлатов йўллаган мактубда ана шу муаммолар ҳақида куйинчаклик билан ҳикоя қилинган. Уларнинг ёзишича, ҳозир шаҳардаги ва шаҳар атрофидаги беш мингдан ортиқ хонадонда гул ўстирилади. Гулчиларнинг «актив фаолияти» натижасида атроф-муҳитнинг мусаффолигига зарар етиши билан бирга қанчадан қанча маҳсулот аҳоли дастурхонига етиб бормаяпти.

Гулчилар одатда мўмай даромад топишга уринишади. Давлат мулки ҳисобланган ердан, одамлар меҳнати билан бунёд бўлаётган ёқилғи, ширин сўзлар, ваъдалар эвазига ўзлаштириб олишяпти. Ҳатто ўзларини ишдан бўшатишларини ҳам кутиб ўтиришмайди. Ишдан бўшаган заҳоти ўша ерда ишлаётган ёки ишга янги кирган ишчиларга ҳар хил баҳоналар билан пул тўлаб, ўзларини ишдан бўшатишларини сўрашади. Ишдан бўшаган ишчи ўзи ишлаган ерни ўзлаштириб олиш учун ҳужжатларни расмийлаштириб қўйишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам тоғни урса талқон қиладиган шербилак йигитлар бўш вақт кўп бўладиган енгил-елпи ишларга жойлашиб олишган.

Шу ўринда машҳур боғбон, Р. Шредер номидаги Меванчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Маҳмуд Мирзаев билан яқинда бўлиб ўтган суҳбатда тилга олинган бир воқеани айтиб ўтишни лозим топдим.

— Бир куни олдимга иш сўраб бир киши келди, — деб ҳикоя қилади, Маҳмуд ака. — Деҳқончилик, боғ ишларидан яхши хабардорлигини айтди. Шунда мен:

— Майли ундай бўлса, хоҳласангиз сабзавотчилик, хоҳласангиз мева узумчилик бўлимига қабул қиламиз. Яхши ишласангиз, ойига 200—250 сўм маош олишингиз мумкин, дедим. У эса:

— Тўғрисини айтсам, менга бу маошингиз керакмас,. Ишга ҳужжатларимни расмийлаштириб қўйингу, пулини ўзингиз олаверинг. Менга 10—15 сотих ер берсангиз, бас. Иссиқхона қуришга ёрдамлашиб юборсангиз бўлгани. Шу ердан бир йилда 40—50 минг ишлаб оламан. Шоир айтганидек, «Сизга ҳам бўлур яхши, менга ҳам ёмон бўлмас» деса бўладими? Хонадан ҳайдаб чиқардим.

Республика ҳукумати одамларни томорқа билан таъминлашга киришиб, мўлкўлчиликка замин яратаётгани яхши. Лекин ер ажратиб беришда фақат ўз манфаатини ўйлайдиганлар бир муаммони ҳал этишга тўғри келади. У ҳам бўлса, томорқаларда етиштирилган маҳсулотни колхоз ва совхозларнинг ишлаб чиқариш планига қўшишдир. Шу йўл орқали қанчадан-қанча ерга муҳтож қишлоқ оилаларини томорқа билан таъминлаш ва қисқа муддатда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган танқисликка барҳам бериш имконияти туғилади.

Колхозчи мева-сабзавотни шаҳардан олмоқда

Ўзбек оилалари одатда серфарзанд. Фарзандлар улғайиб оила қургач, илгари яшаб келишган хонадон торлик қилиб қолади. Колхоз правлениеси ёки совхоз дирекцияси уларни вақтида ер билан таъминламайди. Натижада қишлоқда туриб, 7—8 сотих ерда 3-4 оила яшаб ётган хонадонлар кўпайиб кетмоқда. Бу жойларда экин экиб, қишлоқдан шаҳарга маҳсулот етказиб бериш у ерда турсин, оилалар ҳатто ўзларини мева, сабзавот билан таъминлай олишмайди, аксинча шаҳардан сотиб олишади.

Хўжаликлар раҳбарлари эса ўз навбатида ортиқча ер йўқлиги, агар экин экилаётган ерлардан томорқа учун ажратиб берилса экиш ва ишлаб чиқариш планлари бажарилмай қолиши, натижада жавобгар бўлиш мумкинлигини айтишади. Бир томондан қараганда раҳбарлар ҳақ.

Бироқ масалага чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, оқилона йўл тутиш орқали мавжуд ерлар самарадорлигини ошириш билан маҳсулот етиштириш ҳажмини бир неча баробар кўпайтириш мумкинлиги аён бўлади. Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги экономикаси институти директори, ВАСХНИИЛ академиги Санд Усмонов таъкидлашича, ҳар гектар ер ҳисобига томорқа эгалари жамоат хўжаликларидагига қараганда қарийб 10 минг сўмлик кўп маҳсулот олар экан.

Колхоз ва совхозлардаги суғориладиган ерларнинг бир қисми томорқа учун навбатда турганларга бўлиб берилса, фойдадан холи бўлмайди. Чунки томорқа эгалари шу ерлардан илгаригига қараганда кўпроқ маҳсулот олишлари мумкин. Ана шунда улар ўзларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўла таъминлаб, қолганини шаҳарда сотадилар. Натижада ҳозиргидек шаҳар бозорлари, дўконларидаги маҳсулотлар қишлоққа қайтиб кетмай, балки пештахталар янада сероб бўлади.

Тўғри, бунинг учун муҳим дийси ва бошқа жойларда аҳоли зич яшайдиган районлар кўп. Бу жойларда иш билан таъминланмаган одамлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Бундан бир неча йил аввал ортиқча ишчи кучларини иш билан таъминлаш, қўриқ ерларни ўзлаштириб, тўкинлик масканига айлантириш мақсадида одамларни чўлга кўчириш «уюшқоқлик» билан бошлаб юборилди. «Фидокор чўлқуварлар» нинг «ватанпарварлик ташаббуси» ҳақида газеталарда ёзилди, радио-телевидениеда ибрат қилиб кўрсатилди.

Аммо ҳеч қандай вақт ўтмай, чўлга ер ўзлаштиргани келган ташаббускорлар ўз жойларига қайтиб кетишди. Нега шундай бўлди? Чунки бу аслида пухта ўйланмаган иш эди. Одамларни чўлга кўчириш «компания»га айлантирилди. Лекин амалда уларнинг шу жойларда яшаб кетишлари учун ҳеч қандай шароит яратилмади. Одамлар келишгач мактаб, боғча, водопровод, газ, маданий-маиший объектлар йўқлигини кўришди. Энг ачинарлиси, ер кўп бўлишига қарамай оилаларга илгари ўзлаштирилиб обод бўлган жойлардаги каби кичик-кичик томорқалар ажратилди. Боз устига бу ерлар деҳқончилик учун яроқсиз бўлган, унумсиз, шўр тупроқли эди.

Энди, ўзингиз ўйланг. Фарғона водийсидек жаннатмакон жойни ташлаб одамлар нега чўлга келишди? Ахир, улар қўриқ ерларга кетишаётганини яхши билишарди-ку! Гап шундаки, улар оғир шароитда бўлса ҳам кўпроқ моддий манфаатдор бўлишни кўзлашганди. Ҳақиқатда уларнинг умидлари, орзулари ушалмади. Ҳеч қандай социал қулайликлар бир муаммони ҳал этишга тўғри келади. У ҳам бўлса, томорқаларда етиштирилган маҳсулотни колхоз ва совхозларнинг ишлаб чиқариш планига қўшишдир. Шу йўл орқали қанчадан-қанча ерга муҳтож қишлоқ оилаларини томорқа билан таъминлаш ва қисқа муддатда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган танқисликка барҳам бериш имконияти туғилади.

Чўлқуварлар нега кетиб қолишди?

Маълумки республикамиздаги Мирзачўл, Қарши, Жиззах чўлларида деҳқончиликни кенг кўламда ривожлантириш учун ишчи кучи етишмайди. Аксинча Фарғона водийсидек ер-сувга зич жойлашган ўлкаларда ортиқча ишчи кучлари кўп. Бу жойларда иш билан таъминланмаган одамлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Бундан бир неча йил аввал ортиқча ишчи кучларини иш билан таъминлаш, қўриқ ерларни ўзлаштириб, тўкинлик масканига айлантириш мақсадида одамларни чўлга кўчириш «уюшқоқлик» билан бошлаб юборилди. «Фидокор чўлқуварлар» нинг «ватанпарварлик ташаббуси» ҳақида газеталарда ёзилди, радио-телевидениеда ибрат қилиб кўрсатилди.

Аммо ҳеч қандай вақт ўтмай, чўлга ер ўзлаштиргани келган ташаббускорлар ўз жойларига қайтиб кетишди. Нега шундай бўлди? Чунки бу аслида пухта ўйланмаган иш эди. Одамларни чўлга кўчириш «компания»га айлантирилди. Лекин амалда уларнинг шу жойларда яшаб кетишлари учун ҳеч қандай шароит яратилмади. Одамлар келишгач мактаб, боғча, водопровод, газ, маданий-маиший объектлар йўқлигини кўришди. Энг ачинарлиси, ер кўп бўлишига қарамай оилаларга илгари ўзлаштирилиб обод бўлган жойлардаги каби кичик-кичик томорқалар ажратилди. Боз устига бу ерлар деҳқончилик учун яроқсиз бўлган, унумсиз, шўр тупроқли эди.

Энди, ўзингиз ўйланг. Фарғона водийсидек жаннатмакон жойни ташлаб одамлар нега чўлга келишди? Ахир, улар қўриқ ерларга кетишаётганини яхши билишарди-ку! Гап шундаки, улар оғир шароитда бўлса ҳам кўпроқ моддий манфаатдор бўлишни кўзлашганди. Ҳақиқатда уларнинг умидлари, орзулари ушалмади. Ҳеч қандай социал қулайликлар йўқлигига қарамай, бир парчагина унумсиз ерга эга бўлишди, холос.

Инсон қўли гул. Унинг қадами етган жой бўстонга айланади. Бунинг учун фақат шароит яратиш, моддий манфаатдорликни кўчайтириш керак. Бизнингча, чўлда истиқомат қилувчилар, унга доимий яшаш учун келганларга ҳукумат қароридан келиб чиққан ҳолда иложи борича кўпроқ томорқа майдонлари ажратиб бериш даркор. Томорқаларнинг унумдорлигини ошириш учун ҳар тарафлама давлат томонидан кўмак бериш керак. Ана шунда ерлар самараси ортиб, деҳқонлар кўпроқ даромад оладилар. Бу ўз навбатида одамларнинг заминга муҳаббатини оширади, жойларда муқим яшаб кетишларига имкон яратади. Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик, деганларидек даромад кўпайса, социал масалаларни ҳал этиш ҳам осонлашади.

Танқисликни тугатиш йўли

Кейинги пайтда мамлакатимизда бўлгани каби республикамизда ҳам кўп қаватли уйлар жуда кўп қуриляпти. Бу яхши албатта. Лекин уйларни қуришда маҳаллий шароит, аҳолининг турмуш тарзи ҳисобга олинмаганлиги туфайли анчагина муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Агар эътибор берган бўлсангиз, кўп қаватли уйлар бир-бирига жуда яқин қурилади. Бўш ернинг ўзи йўқ.

Шунда ҳам айрим омилкор кишилар имкони бўлган кичик жойда ҳам ўз эҳтиёжлари учун мева, сабзавот етиштиришга муваффақ бўлишяпти. Бундан ташқари, кўп қаватли уйларда ҳамма нарса — иссиқ сув, газ, электр, лифт муҳайё. Шунинг учун ҳам кўп қаватли уйларда яшовчилар айрим ортиқча ташвишлардан холи бўладилар. Ёшларни айтмайсиз-ми! Бекорчиликдан турли хил номақулчиликларга қўл уришади. Агар ана шундай уйларда яшовчилар билан суҳбатлашиб қолсангиз, гап албатта тобора танқис бўлиб бораётган озиқ-овқатни таъминотига бориб тақалади. Чунки кўпчилик шаҳар аҳолиси ҳатто кўкат учун ҳам бозорга боришга мажбур.

Ўз-ўзидан савол туғилади. Шаҳар шароитида таъминотдаги танқисликни йўқотиш мумкинми? Бизнингча, мумкин. Бунинг учун аввало ишни лойиҳалаштиришдан бошлаш керак. Бундан буён қуриладиган кўп қаватли уйларнинг атрофида кўпроқ ер қолдириш лозим. Ана шу ерлар оила аъзолари сонига қараб ҳеч бўлмаганда 1-2 сотихдан бўлиниб, атрофи панжара билан ўралган ҳолда хонадонларга берилса, айни муддао бўларди. Ана шу ерни ишлаш, унда маҳсулот етиштириш учун ҳар бир оилада имконият бор. Бу билан хонадонлар ўзларининг мева ва сабзавотга бўлган эҳтиёжларини бирмунча кондириш имкониятига эга бўладилар. Қолаверса, ёшларнинг фойдали меҳнат билан шуғулланишларига, бекорчилик туфайли турли хил жиноятлар содир бўлишига барҳам беради.

К. РИХСИЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.



Суратда: сут-товар фермасининг сигир соғувчиларидан бир гуруҳи.
В. ЛЕШЧЕНКО сурати. (ЎзТАГ).

ВАҚТНИ ЎТКАЗМАЙ ИШЛАШ КЕРАК

Гулистон районидаги Ленин номли колхоз меҳнатчилари ҳозир қўлдан берилган ҳар бир кун ва ҳар бир соат бутун хўжаликка, бинобарин ҳар бир ходимга зарар келтиришини биладилар. Шу сабабли шу кунларда колхозда зўр ғайрат билан меҳнат қилишмоқда.

Хўжаликда 1785 гектар ерда пахта етиштирилмоқда, 400 гектар ерга беда, 150 гектар ерга маккажўхори экилган. Сут-товар, чўчқачилик ва паррандачилик фермалари бор. Буларнинг ҳаммаси ҳар бир колхозчи жон куйдириб ишлашини тақозо қилади.

— Ҳозир дала ишларининг қизғин пайти, — деди колхознинг бош агрономи У. Умаров. — Ўтган кунлардаги эҳтиросли авж олган воқеалар қимматли вақтнинг беҳуда кетишига олиб келди. Энди эса қўлдан берилган вақт ўрнини тўлдиришга ҳаракат қиляпмиз. Ғўза қатор оралари культивация қилиняпти, сув тараляпти, ғўза учини чилпишга тайёргарлик кўрмоқдамиз. Ем-хашак тайёрлаш бригадалари эрта тонгдан қош қорайгунча меҳнат қилмоқда.

Колхоз правлениеси олдида қишлоқ Советининг раиси З. Мирзоқуловни учратдик.

— Қандай яшашимиз қандай меҳнат қилишимизга боғлиқ, — деди у. — Муаммолар эса жуда кўп. Ҳали ҳамма уйларга газ ва сув келтирилмаган, колхозни обод қилиш учун кўп ишларни бажаришга тўғри келади. Мактаб торлик қиляпти, клубни обдон ремонт қилиш зарур. Тўғри, баъзи ишлар қилинди. Масалан, яқинда янги амбулаторияни фойдаланишга топширишди. Амбулаториянинг эски биносини эса вақтинча болалар боғчасига мослаштиришди. Шундай қилиб, болалар боғчасида жойнинг етишмаслиги энди унча сезилмайди.

Бизда чиққан можарога келганда эса, кўп одамларнинг қалбида таассуф ва ачиниш туйғулари қолди. Биз мехсети турклари билан неча ўн йиллардан буён ёнмаён яшаб, меҳнат қилиб келмоқдамиз. Умуман, колхозимиз — байналмилал коллектив, унда ўзбеклар, турклар ва тожикистондан ташқари қрим татарлар ҳам яшайди.

Қаҳрамон она Мелия Асановнанинг уйида кечқурун бутун катта оила тўпланди. Эри фермадан қайтди, у трактрочи бўлиб ишлайди.

— Мен ҳозир пенсиядаман, — деб ҳикоя қилади М. Асанова. — Пенсияга чиққунга қадар колхозда 40 йилдан кўпроқ ишладим, ҳозир барча ўғилларим, қизларим, келинларим шу ерда ишлашади, ўқишади. Шу вақтгача одамларга уларнинг миллатига қараб эмас, меҳнатига қараб баҳо беришар эди. Бундан буён ҳам шундай бўлиб қолиши керак. Қўшниларимиз биз учун қариндошдан ҳам афзалроқ. Хурсандчилик кунларида ҳам, ташвишли кунларда ҳам бир-бирларимизга ёрдам берамиз. Колхозда турмушни яхшилаш зарурлиги эса бошқа гап. Одамлар ўзлари ишлаб топган ҳақни олишлари керак. Мол боқиш қийин бўлиб қолди, ем-хашак етишмайди, яйлов эса йўқ.

Колхоздаги ҳурматли оқсоқоллардан бири, уруш ва меҳнат ветерани Н. Диёров хонадонига ташриф буюрамиз:

— Ёшлар ўзини тута олмаган ўша куни биз, кексалар маҳалламизни айланиб чиқдик. Ўғилларимизни тинчлантирдик, уларни ақл-идрок билан иш тутишга чақирдик, низоларни қўлга тош олиб эмас, қонунга мувофиқ ҳал қилиш лозимлигини тушунтирдик.

Кечқурун биз даладан қайтаётган колхозчи Ф. Ҳатамовни учратдик.

— Чиндан ҳам иш кўп, бажариб улгуриш қийин, — деди у. — Ҳозир мен мураббийлик қиляпман, ўқувчилар бригадасидаги болаларга пахта етиштиришни ўргатяпман. Ўзимнинг ўн фарзандим бор. Улар яхши одам бўлиб етишишларини хоҳлайман. Ҳозир мамлакатимизда қайта қуриш бормоқда, лекин бу ҳақда биз фақат газеталарда ўқияпмиз, холос. Қайта қуришни биз колхозимизда ҳам бошлашимиз керак. Колхозчилар чинакам хўжайин бўлишлари лозим. Бунинг бирдан-бир йўли бир-биридан ўч олиш эмас, балки аҳиллик билан ишлашдир.

(ЎзТАГ).

ДЎСТЛИК—ҚАЛБ САХИЙЛИГИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг ўзбек халқига, республиканинг барча аҳолисига Мурожаатномасидан руҳланган диёримиз меҳнаткашлари барча қардош халқларимиз билан дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга астойдил бел боғладилар. Бу республикамиз ҳар бир хонадони, маҳалласи, корхонасида намоён бўлмоқда, айниқса оромгоҳлар, маданият масканларида ўтказилаётган хайрли тадбирларда ўз ифодасини топмоқда.

Пойтахтимизнинг «Ўзбекистон комсомоли 40 йиллиги» маданият ва истироҳат боғи куни кеча халқлар дўстлигининг ўзига хос гулшанига айланди. Сўлим масканнинг хиёбонлари турли миллат кишилари билан гавжумлашди.

Оромгоҳда ўрнатилган гумбазсимон кичик бир маскан олисдан ёркин кўзга ташланади. Бу қардош ва қондош қозоқ халқининг ифтихори бўлган ўтов. Унинг атрофида қозоқ дўстларимиз дўмбира чалишмоқда, оқинлар куйлашяпти, косалаб қимиз тортилмоқда.

— Бу ўтов она халқимизнинг ўзбек биродарларимизга совғаси, — дейди Чимкент область Сариоғоч район ижроия комитети раисининг ўринбосари Оргинғоз Сергозиев. — Биз унда ўзбек, уйғур, рус, корейс биродарларимиз билан дўстлик қўшиғини куйлаётгандек.

«Ўзбек менинг ўз оғам» деган қозоқ халқининг жуда қадимий ибораси бор,— дейди профессор, филология фанлари доктори Махаш Бекбергенов. Бу ибора 500 йилдан буён халқимиз оғзаки ва ёзма адабиётида фахр билан тилга олинади. Биз азалий дўст халқлармиз. Бу Секен Сайфуллин ва Ҳамза, Мухтор Авезов ва Ойбек, Собит Муқонов ва Ғафур Ғулом, Миртемир ва Абдулла Тожибоевлар дўстлигидир. Биз ана шу буюк оғаларимиз дўстлигини асрлар оша эъзозлашимиз даркор.

Халқлар дўстлигини улуғлашга бағишланган байрамда, ўзбек, рус, қозоқ, уйғур, корейс халқлари мусиқаси, қўшиқлари янгради. Раққосалар катта даврa олди. Файзли ва ҳаяжонли байрамда нотиқларнинг сўзлари эътибор билан тингланди.

СССР халқ депутати Шоир Абдулла Орипов съезд — катта анжуманнинг иши ҳақида илҳом билан гапирди. Шоир ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, саҳийлиги, бошқа халқлар билан тез иноқлашиб кетиши, Алишер Навоий замонидан буён давом этиб келаётганлигини назмда таърифлаб берди. Кейинги пайтларда бўлиб ўтган кўнгилсиз воқеалар эндиликда такрорланмаслиги, ҳеч қандай куч бу дўстлик кўрғонига раҳна сололмаслиги керак, деди у.

Байрамда Тошкентдаги кўплаб маҳаллаларнинг вакиллари қатнашдилар. Чилонзор районидаги «Маданият» маҳалласида бир қатор уруш ва меҳнат ветеранлари истиқомат қилишади. Улардан бири — Фойибназар Йўлдошев. У Улуғ Ватан урушн йилларида Прагагача бўлган жангларда мардлик кўрсатганлардан. У бу ерга маҳалладош дўстлари — Абдували Тўхтаев, Мухтор Раҳимов, Шукур Дўстмуҳамедов, Муҳамадали Обиджонов, Абдужалил Ғаниев, Собир Алиев билан бирга келган.

Олмалиқ шаҳридан келган «Сударушка» ҳаваскорлик ансамбли рус қўшиқларини маҳорат билан куйлади.

Байрам минбарида филология фанлари доктори, профессор Азиз Қаюмов, уйғур шоири Рўзи Қодирий, қирим татар адиби Черкез Али, корейс шоири Угай Дегун, СССР халқ маорифи аълочиси Фатхулла Зикриллаев халқлар дўстлигининг қудрати ва унинг шарофати ҳақида гапиришди. СССР халқ артисти, Тамарахоним, таниқли хонанда Фахриддин Умаров ва бир қатор ҳаваскорлик ансамбллари ўз санъатлари билан дўстликни мадҳ этдилар.

— Янгийўл шаҳридан келган «Заррин япроқлар» халқ этнографик ансамбли ўз санъати билан байрам қатнашчиларини мафтун этди, — дейди унинг бадиий раҳбари, Қаҳрамон она Карима Раимжонова. — Коллективимиз ташкил топганига 6 йил бўлди. Шундан буён халқлар дўстлигини улуғлаб қатор концертлар бераяпмиз. Қозоғистон бўйлаб гастролимиз муваффақиятли ўтди. Кўплаб дўстлар орттирдик. Бугунги байрам ҳам ана шундай қон-қардошлигимиз шодиёнасидир.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ва Чилонзор район партия комитети ташаббуси билан халқлар дўстлигига бағишланган бу тантана барчада унутилмас таассурот қолдирди. Маданият маскани директори Баҳодир Султонов қуйидагиларни гапириб берди,

— Боғимиз жуда ҳам файзли бўлиб кетди. Тадбирлар яхши ўтди. Биз бундан буён ҳам шунга ўхшаш тадбирларни кўплаб ўтказишни режалаштириб қўйдик.

А. ПЎЛАТОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ҲАММА УЙЛИ БЎЛАДИ

Ишнинг муваффақияти кишиларнинг кайфиятига ҳам боғлиқ. Қаерда инсон тўғрисида кўп ғамхўрлик қилинса, ўша ерда иш илгари босаверади. Мен буни хўжалигимиз мисолида кенг кузатганман. Мақтаниш эмас, хўжалигимиз иқтисодий жиҳатдан анча бақувват. Районда фақат бизнинг колхозимиз кассасида 500 минг сўмдан зиёд пул бор. Хўжаликнинг барча соҳалари йил сайин юксалиб, даромад кўпайиб боряпти.

Ўтган йили пландаги 5 минг тонна ўрнига 5121 тонна «оқ олтин» етиштирдик. Ҳар гектар ердан ўртача 32 центнердан ҳосил олинди. Ялпи даромад ўсди, 898 минг сўм соф фойда олинди. Бу планга нисбатан 112 минг сўм кўп. Ҳар бир колхозчининг ўртача ойлик иш ҳақи — 155 сўм. (Томорқадан олган даромади бу ҳисобга кирмайди).

Айниқса, қишлоқни обод қилиш, уй-жой қуриш соҳасида катта юриш бошланган.

Қишлоғимиз тўла электрлаштирилган. Кўчалар тартибга солинган. Барча ички йўлларга асфальт ётқизилган. 13 та дала шийпонининг ҳаммасига асфальт йўлдан борилади. Ўзимизнинг асфальт тайёрлайдиган цехимиз бор.

Бу йил колхозимиз районда биринчи бўлиб дам олиш кунига ўтди. Колхозчилар якшанба кунлари далага чиқмайдилар. Якшанбада ишлаган сувчилар, механизаторларга 50 процент миқдорида қўшимча иш ҳақи тўланади ёки улар душанба куни дам оладилар.

Қишлоғимиз ёшлари дам олиш куни стадионга тўпланадилар. Бу ерда бригадалараро футбол, волейбол ўйинлари ўтказилади. Кечқурун бадиий ҳаваскорлар иштирокида ўйин-кулги, концерт бўлади.

Қишлоғимизда пулли ҳизмат ҳам йўлга қўйилган. Колхозчиларнинг ёғоч-тахтасини тилиш цехи, шахсий машиналарни ремонт қиладиган сервис бор. Колхозимизда бу йил консерва цехи ҳам иш бошлади.

Хўжалигимизда кўпчилик якка тартибда уй-жой қуриб олган. Бу уй-жой қуриш билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг долзарблигини сира бўшаштирмайди. Колхозда қурилиш бригадаси ташкил этилган. Унга Мингбой Олтиев раҳбарлик қилади. Ҳозир 20 та кооператив уй қуриляпти. Ўз кучи билан уй қуриб олишни хоҳловчиларга томорқа учун ер ажратиб беряпмиз. Шу йилнинг ўзида 123 оилага ер участкаси бердик. Навбатда ер сўраган 90 киши турибди.

Илгари томорқа учун ажратилган ерни пландан чиқариш қийин эди. Ҳозир ундай эмас. Колхозчиларнинг умумий йиғилиши қарор чиқарса кифоя. Уни қишлоқ Совети, район ижроия комитети тасдиқлайди. Бу йил колхозимиз бўйича 10 гектар ер томорқа учун ажратилди. Андижон область ижроия комитети уни дарҳол пландан чиқариб берди.

Областимизда аҳоли зич жойлашган, ер етишмайди. Шунинг учун қишлоқларда аста-секин кўп қаватли уйлар қуришга ўтиляпти. Районимиздаги «Пахтакор» колхози тажриба учун кўп болали оилаларга мўлжалланган 6 та икки қаватли уй қуришга киришди. Райкомнинг биринчи секретари Бегижон Раҳмонов бу уйларни область раҳбарларидан тортиб, оддий колхозчиларгача кўрсатди, улардан маслаҳат сўради. Уйлар кўпчиликка маъқул бўлди. Районимиздаги барча хўжаликлар, жумладан бизнинг колхозимиз ҳам икки қаватли уйлар қуриш учун буюртма берди.

Партия ва ҳукуматимиз 2000 йилгача аҳолини уй-жой билан таъминлаш вазифасини қўйди. Районимизда бу вазифани бажариш учун аниқ тадбирлар белгиланди. Кейинги икки йил давомида район бўйича 657 оилага ер участкаси, 158 оилага коммунал уйи, 54 оилага кооператив уй берилди.

Районда уй-жойдан қийналиб қолган оилалар рўйхати тузилди. 2239 киши якка тартибда уй қуриш, 280 оила коммунал хўжалиги уйи олиш, 56 оила кооператив уй қуриш рўйхатига киритилди.

Қишлоқ қурилиши билан боғлиқ бўлган муаммолар кўп: уй-жой қуришда лойиҳачилар, архитекторларнинг ёрдамига муҳтожмиз. Лекин область архитектура ва лойиҳалаш ташкилотларининг роли сезилмайди. Қишлоқ шароитига мос деҳқон уйининг хилма-хил лойиҳалари йўқ. Биз учун смета-лойиҳа ҳужжатлари тайёрлатиш жуда мушкул иш, йиллаб кутишга тўғри келади. Бу ҳақда мутасадди ташкилотларнинг раҳбарлари жиддийроқ ўйлаб кўришлари керак.

А. ИСОМИДДИНОВ,
Андижон область, Балиқчи районидаги «КПСС XXV съезди» колхозининг раиси.





ЎЛКАМИЗ НОЗ-НЕЪМАТЛАРИ

ҲОСИЛ ЧЎҒИ ЗЎР

Наманган область. Янгиқўрғон районининг тоғолди зонасидаги хўжаликларда ўрик терими қизғин давом этмоқда. «Заркент» совхози миришкорлари эса эл дастурхонига кўплаб мева етказиб бермоқдалар. Бугунги кунда хўжаликда минг гектардан зиёд майдонни боғ-роғлар ва узумзорлар ташкил этади.

Шуниси қувончлики, бу ерда боғдорчиликка нисбатан муносабат ўзгарди. Бу иш интенсив технология асосида амалга ошириляпти. Ваҳолонки, яқин ўтмишда мевали дарахтлар қирқилиб ўрнига пахта экилганди. Энди эса тамоман аксинча. Боғбонлар айниқса, ўрикнинг «субҳони» навини кўпроқ экишган. Чунки бу навда қант миқдори 28 процентни ташкил этади. Ҳозирча хўжаликда тўрт гектар майдонда ана шу нав дарахтлари бор. Келгусида у яна кўпаяди. Юқоридаги суратда: илғор механизаторлардан Азиза Йўлдошева (чапда) ва Шаҳноза Бозорова.

Пахтакор районидаги Ульянов номли совхоз деҳқонлари пахта билан бирга озиқ-овқат экинларига ҳам катта эътибор бераётирлар. Кўплаб майдонларда қовун-тарвуз ва сабзавот етиштирилаётир.

Полизчилик звеноси бошлиғи Филимон Ли ҳосил чўғидан маммун.

А. КОВТУН (ЎзТАГ) ва У. ҚЎШВОҚОВ суратлари.

Таниқли болалар шоири Илёс Муслим 80 ёшга тўлди. Умрининг 60 йилдан ортиқроғини кичкинтойларнинг серқирра, сеҳру синоатга бой ҳаётини ўрганиб, қизиқарли, қувноқ шеърлар ёзишга сарфлади.

20-йилларнинг сўнггида илк бор қалам тебрата бошлаган Илёс Муслим ҳозиргача 30 дан ортиқ турли-туман китоблар яратиб, болалар адабиёти намояндалари орасида муносиб ўрин олди.

1932 йилда шоирнинг илк шеърлари «Ўсув» номи билан алоҳида китоб шаклида чоп этилди. Шоир ижод қилиш билан бирга, ўз ҳаётини нашриёт иши билан боғлаб олиб борди. У 1932-1942 йилларда ЎзССР Давлат нашриётида, Бадиий адабиёт нашриёти ҳамда Ёшлар ва болалар адабиёти нашриётларида турли лавозимларда фаолият кўрсатди.



БЕҒУБОР ҚАЛБЛАР КУЙЧИСИ

Улуғ Ватан уруши даврида эса, дастлаб взвод командири, сўнгра 1-Белоруссия фронти қўшинларининг «Қизил армия» номли газетасида ҳарбий мухбир бўлди. Бу даврда у аскарларни ғалаба сари отлантирувчи жанговар шеърлар, очерклар ёзди.

1947 йилда ҳарбий хизматдан қайтган Илёс Муслим ўз севган касби бўйича нашриётда иш бошлаб, то пенсияга чиққунича болаларга китоб чиқаришдек хайрли ишга бош қўшиб келди. Шоир ўз ақл-заковати, қалб қўри, меҳр-муҳаббатини болаларга бахшида этди. Жаҳон болалар шеъриятидан намуналар таржима қилди. Ижодкорнинг асарлари қисқа, самимий меҳр билан ёзилган. унинг «Турналар», «Бизнинг мактаб», «Сенинг совғанг», «Тилла қўнғиз», «Ишчан асаларилар», «Ойлар айтишуви», «Ойхон ва райхон», «Кўрик», «Гулдай яшнар болалар» ва бошқа кўплаб шеърий китоблари болаларнинг дил мулкига айланганлиги фикримизни тасдиқлайди.

Ватан ва халққа ҳалол хизмат қилган Илёс Муслим фаолиятини партия ва ҳукуматимиз муносиб тақдирлаган. У уруш қатнашчиси сифатида жанговар медаллар, «Қизил юлдуз», II даражали Улуғ Ватан уруши орденлари билан мукофотланди. Адабиёт ва маданият соҳасидаги фаолияти учун республикада хизмат кўрсатган маданият ходими унвони, икки марта Ўзбекистон маданияти ходими аълочиси нишонига эга бўлди. Ижодкорнинг бахти шундаки, унинг шеърларини ўқиб завқ олганлар, савод ўрганганлар ҳозирги кунда нуроний бобо бўлишган. Шоирни ҳамон болалар орасида тез-тез учратиш мумкин. У мактабларда, пионерлар саройларида, маҳаллаларда ва болалар боғчаларида, шеърият шайдолари билан учрашувларда қатнашиб, ўз илҳом меваларини беғубор қалблар билан баҳам кўради.

Болалар қувончига қувонч қўшиб, беминнат хизмат қилиб келаётган Илёс Муслимни кўпсонли мухлислари номидан муборак 80 ёши билан табриклаймиз. Унга бардамлик, узоқ умр тилаймиз.

Илёс МУСЛИМ.

Фасллар айтишуви

Тўрт фасл баҳс қуришди
Кўм-кўк майсазорларда.
Ўзини мақтаб кетди
Баҳор сўз олиб бирдан:
— Мен тўрт фасл
тўнғичи,
Исмим — Баҳор —
Кўкламман.
Эл-юрт ардоқлар мени,
Ҳаммангиздан кўркламман!
Қаранг-чи, ғарқ гуллади
Гилос, ўрик, шафтоли,
Мева қилади бу йил —
Раъно эккан ғайнолн.
Шунинг-чун ҳаммангиздан
—Албатта ўзим ортиқ!
Сизлар-чи, инжаларим —
Элга қиласиз тортиқ!
Қаддини кўтариб гоз —
Сўзлай кетди гўзал Ёз:
— Аямай нурим сочдим,
Далалар ҳуснин очдим.
Пишдн мева-ю бутдой,
Тафтим қиздирар чўлдай.
Шунинг-чун
ҳаммангиздан —
Албатта ўзим ортиқ!
Сизлар-чи, инжаларим
Элга қиласиз тортиқ!
Олтин Куз бошлади сўз —
Чиройин этиб кўз-кўз.
Ростдан мен олтин
кузман,
Халқларга ёруғ юзман.
Мева-ю тарвуз, қовун,
Ким камситар бировни!
Пахтам-чи, нақ денгиз-кўл,
Хирмонга оқар мўл-мўл.
Сизлардан ўзим ортиқ,
Менинг-катта тортиқ!
Қиш ўриндан тез туриб,
Сўз бошлар аста юриб:
— Оппоқ момиқдек
қорим —
Тўйдирар ернинг қорнин.
Экинзорлар қиш бўйи
Қоримдан оқаётланар.
Ёш-қарилар кун бўйи
Яхмалак отиб қолар.
Ахир мендан ким ортиқ!
Менинг — улкан ортиқ,
Бу баҳсни эшитмишиб
Болалар ўйлаб қолди
Шунда митти Алишер —
Қўл кўтариб, сўз олди.
Йилимизнинг тўрт
фаслин —
Севамиз жондан ортиқ.
Эй, Баҳор, Ёз, Куз ва
Қиш,
Асл — Сизларнинг тортиқ!

Узумзорда

Кўрдим яшил йўлакда
Кенг, ажойиб бир жойни.
Токлар бўй чўзган кўкка,
Сеп ёзгандек чиройли.
Майин шабада чопар
Токларнинг барглардан.
Кўнглимиз роҳат топар —
Ишкомнинг тагларида
— Айтинг-чи Зарнф ота,
Манави қандай узум!
Олти ёшдаман, ҳатто
Кўрмаган бунн кўзим!
Зарнф ота хўп кулиб,
Сўзлади завққа тўлиб:
— «Победа» навли узум,
Топганман бунн ўзим.
Ўғлим, кўргин серҳосил,
Болдек ширин, энг асил!
Ҳар йилн колхозимиз
Мўл ҳосил олиб, ёзда —
Дўстларга жўнатади
Самолёт ва поездда.
Еганлар қилар ҳузур,
Қани, ўғлим, юр боққа! —
Деб бошлаб кетди унн,
Ҳар хил узум бор ёққа.
Аъло ўқиб, албатта
Боғбон бўламан, ота!
Бўлиб Сиздек агроном,
Мен ҳам чиқарман ном!

Ўзбекистон ССРнинг Тиллар тўғрисидаги Қонуни лойиҳаси умумхалқ муҳокамасида

БИР ДАСТА НУР

Ўзбек халқи неча ўн йиллардан бери зориқиб, энтикиб кутаётган «Ўзбекистон ССРнинг Тиллар тўғрисидаги қонуни» лойиҳаси шу йил 18 июнь куни бир дастa қуёш нуридек газета саҳифалари орқали кириб келди. Бу бир даста қуёш нурига синчиклаб қарасак ёркин, тиниқ нурлар билан бир қаторда хира нурлар ҳам борлигини кўрамиз.

39 та модданинг 4—5 та моддасидан ташқари ҳаммаси асосан икки тиллилик асосига қурилган. Моддаларнинг бу ҳолда тасдиқланиши — тилимиз ривожланишига анча халақит беради.

Тиллар тенглиги деганда республикалар тенглигини тушунмоқ керак. Тўғри, бизнинг республикамизга мажбуран келтирилган ёки ўз ихтиёри билан кўчиб келиб, ҳалол меҳнат қилаётган турли миллат вакилларининг тилини, маданиятини ҳурмат қилишимиз керак. Қонун лойиҳаси масаланинг бу томонини яхши инобатга олган. 29-моддада «Тожиклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, татарлар, қрим татарлар, уйғурлар, корейслар, туркслар, Ўрта Осиё яҳудийлари ва бошқалар ғуж яшайдиган жойларда ўз она тилида ўқиш, давлат ҳокимияти ва давлат бошқаруви органлари билан муомала қилиш, матбуот чиқариш ва ахборот бериш ҳуқуқи, маданий камолоти, миллий маданий жамиятлар ва марказлар тузиш ҳақида таъминланади», дейилади.

Менимча ҳозирча рус тилида олиб бориладиган ҳужжатлар, ҳисоб-китоблар, 1—2 йил муддат билан ўзбек тилини ўзлаштириб, сўнгра тўла ўзбек тилига ўтилади» деб тўғриланиши зарур.

Менимча, 24-моддадаги эски ўзбек ёзуви тўғрисидаги қоидаларни ҳам ўзгартириш зарур. Масалан лойиҳада бундай дейилади: «Ўзбекистон ССР араб алифбосига асосланган эски ўзбек ёзувини ўрганишни истайдиган гражданларга ёрдам беради». Мантиқан ўйлаб қараганда эски ўзбек ёзуви — ўзбек халқининг миллий тарихидир. Шунинг учун эски ўзбек ёзувини мактаб программасига предмет сифатида киритиш керак. Ўқувчилар бизнинг классик олим, ёзувчиларимизнинг асарларини эски ўзбек ёзувида ўқиб имтиҳон топширсинлар. Эски ўзбек ёзувида газета, журнал ва адабиётлар нашрини йўлга қўйиш керак. Шу фикрлар қонунга киритилса, биз олам-олам хазинали бой тарихимизга дарча очган бўлардик.

28-модда ҳам мунозара талаб. Чунки қонун лойиҳасида «республика телевидениеси ва радио эшиттиришлари асосан ўзбек тилида, шунингдек рус тилида олиб борилади» дейилади. Аммо рус тилида сўзлашувчи ўртоқларнинг 95 фоизи асосан Марказий телевидение кўрсатувларини кўради.

Менимча, телевидение ва радио комитетининг социологик бўлими тадқиқотларини синчиклаб ўрганиб, эҳтиёж туғилгандагина кўрсатув ва эшиттиришлар ташкил қилиш керак.

Лойиҳадаги 36-моддада «Тиллар тўғрисидаги Қонунни бузганлиги учун... Улар ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг амалдаги қонунларида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади» дейилади. Менимча, жавобгарлик ва жазо нимадан иборатлигини ёзиб қўйиш керак. Бу эса тил қонунини бузувчиларни масъулятга чорлаб, огоҳлантириб туради.

Ҳайдар МУҲАММАД.

ДИЛ КАЛИТИ

«Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Тиллар тўғрисидаги қонуни» лойиҳасини ўқиб жуда хурсанд бўлдим. Айниқса, унинг сарлавҳасида тиллар деб ёзилгани менга маъқул тушди. Бу эса ўзбек тилининг нуфузини ошириш билан бирга Ўзбекистон ССРда истиқомат қилувчи барча миллат тиллари ривожи учун ҳомийликдан ҳам кафолат беради.

Қонун лойиҳасининг VI боб, 26-моддасидаги «Республикада ғуж яшайдиган миллий гуруҳларга умумий таълим мактабларида, курслар ва тўгаракларда она тилини ўрганиш учун шароит яратилади» жумласидан кейин қуйидагилар илова қилинса: «Қардош республикаларда ғуж бўлиб яшайдиган ўзбекларнинг тил тараққиётини ривожлантириш ва илмий ўрганиш тегишли республикалар билан келишилган ҳолда, ҳамкорликда олиб борилади. Шунингдек, республикада яшовчи бошқа миллат вакиллари тил ривожини ўрганиш ўша миллат вакилларн асосан яшайдиган республикалар билан ҳамкорликда олиб борилади».

Бундан ташқари, менимча, ҳар 2—3 йилда ўзбек тилига бағишланган конференция ўтказиш ҳам мақсадга мувофиқ бўларди. Унда нафақат СССРда, балки жаҳондаги барча мамлакатларда яшовчи ўзбеклар вакиллари қатнашиб, тил ҳақидаги у ёки бу масалани ҳал қилишса, жаҳон ўзбеклари дўстлиги, қолаверса халқаро дўстлик мустаҳкамланарди.

Н. МАМАСАИДОВ,
Қабодиён районида чиқадиган «Шараф» газетаси муҳаррири. Тожикистон ССР.


ҚУВНАБ ВА ЯЙРАБ

Мактаб ўқувчилари шу кунларда республикамизнинг ҳушҳаво ерларига жойлашган минглаб пионер лагерларида дилдан қувнаб ва яйраб ҳордиқ чиқармоқдалар. Самарқанд районидаги «Красное знамя» пионерлар лагерида ҳам болалар учун ҳамма нарса муҳайё этилган. Бу ерда қизиқарли учрашувлар, мушоираллар, баҳслар ўтказилмоқда, турли сайёҳатлар уюштирилмоқда. Самарқанд шойи-газламалар ишлаб чиқариш бирлашмасининг мураббийлари қизиқарли суҳбатлар ўтказмоқдалар.



Суратларда: корхона ветерани Карим Шарипов болалар орасида. Пастда эса қизиқарли машғулот пайтини кўриб турибсиз.

Суратларни Р. АЛЬБЕКОВ олган.



СПОРТ

ЧИМ ХОККЕЙ:

ДАЪВОГАРЛАР МУНОСИБ

Канадада жаҳон чемпионати ўтказилмоқда. СССР терма командаси хоккейчи қизлари ГФР коллективи билан учрашувни дуранг қилиб, Канада (3:1), Янги Зеландия (6:1), АҚШ (5:0) ва ХХР (4:3) клубларидан устун келишди. Шундай қилиб саралаш учрашувларини муваффақиятли ўтказган хоккейчиларимиз ўз группаларида пешқадамлик қилиб, ярим финалга йўлланма олдилар. Вакилларимиз энди Голландия хоккейчилари билан майдонга тушадилар. СССР терма командаси составида Тошкент областининг «Политотдел» коллективи қизларидан С. Гройсман ҳамда Надежда ва Марина Чегурдеевалар иштирок этишмоқда.

ЕШЛАР ЎЙИНЛАРИ:

ЯНА БИР ОЛТИН МЕДАЛЬ

Бутуниттифоқ ёшлар спорт ўйинлари якунланиш арафасида республикамиз терма командаси жамғармасига яна бир олтин медаль қўшилди. Маълумки, вакилларимиз чим хоккей ва оғир атлетика бўйича баҳсларда мукофотли ўринларни эгаллаб, Ўзбекистон спорт шарафини муносиб ҳимоя қилган эдилар. Боксчиларимиз ҳам бўш келишмади. 8 нафар вакилимиз чорак финалда баҳслашдилар. Улардан биринчи бўлиб Алишер Ахроров ғолиблик супасига кўтарилиб, олтин медаль олди.

СПОРТЛОТО

30 июль куни ўйналган 31-тиражда қуйидаги ютуқли рақамлар қайд этилди.

«45 дан 6»: 10, 13, 22, 23, 40, 42.

«36 дан 5»: 5, 9, 17, 27, 31.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг
САНИТАРИЯ-ГИГИЕНА ВА КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
лабораториялар бўйича
вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Катта илмий ходимлар: саноат токсикологияси ва кимёвий моддалардан фойдаланиш вақтидаги меҳнат гигиенаси, қишлоқ гигиенаси, заҳарли моддаларнинг аналитик химияси;

кичик илмий ходимлар: саноат токсикологияси ва кимёвий моддалардан фойдаланган вақтдаги меҳнат гигиенаси (2), клиника, диагностика ва касб касалликларини даволаш (2), заҳарли моддалар оқибатларини ўрганиш (2), қишлоқ гигиенаси, гигиена соҳасида тиббий-биологик тадқиқотлар (2), гигиена ва пестицидлар токсикологияси, минерал ўғитлар (2), заҳарли моддаларнинг аналитик химияси.

Илмий-тадқиқот институтига хўжалик шартномаси билан: **катта илмий ходимлар (4), кичик илмий ходимлар (6).**

Конкурс муддати — 6 августгача.

Ҳужжатлар, конкурслар ҳақидаги Низомга мувофиқ қуйидаги адресга жўнатилсин: 700056, Тошкент шаҳри, Циолковский кўчаси, 325-уй. Телефонлар — 65-26-42, 65-08-59.

Ташқи иқтисодий алоқалар ўрнатган министрликлар, идоралар, ташкилотлар, корхоналар ва кооперативларнинг раҳбарлари диққатига!
Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлигининг
В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
чет элга командировкага юборилаётган мутахассислар ни тайёрлаш учун чет тилларни ўрганиш қисқа муддатли курсларига

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Курсларнинг асосий вазифаси — чет мамлакатларга техника ёрдами кўрсатиш, музокаралар олиб бориш ва бошқа масалалар юзасидан командировка қилинаётган халқ хўжалиги ва турли фан соҳалари мутахассисларида аниқ мақсадга йўналтирилган профессионал тил ўрганишни таъминлашдан иборат.

Ўрганиладиган тиллар: араб, форс, дари, инглиз (группаларнинг комплектлашувига қараб), ҳинд, хитой, испан, француз, немис тиллари.

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда 6—10 ой (кундузги таълим), ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда эса 10-20 ой (кечки таълим) ўқилади.

Машғулотлар 10 ойлик программа бўйича сентябрь ойида, бошқа программалар бўйича — ташкилотлар билан шартлашувга кўра келишилган муддатда бошланади.

1989—90 ўқув йили учун **буюртмалар — 1989 йилнинг 10 сентябригача** қабул қилинади.

Буюртмалар В. И. Ленин номидаги ТошДУ ректори номига берилади.

Справкалар учун телефон — 46-09-25.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

СОТИБ ОЛИШ ҲАМ ИЖАРАГА ОЛИШ ҲАМ МУМКИН...

Саноат ва илмий мақсадларга мўлжалланган оптика-механика асбобларини ижарага берувчи «СВИТЯЗЬ» ательеси қуйидаги асбобларни ижарага тавсия қилади ва сотади:

АК-4 автоколиматори,
УФ—281 ва УФ—283 кучсизлантирувчилари,
ДФС—452 спектрографи,
ИВС—28 генератори,
СЛ-12, СЛУ стилоскоплари,
ИМЦ 100х50 микроскопи,
СКЛ-1 м, ИРФ-454 Б тезланиш камераси,
ОСК — 2 ЦЛ, ИСП — 30, ОДГЭ—20, СТЭ—1 оптик скамейкаси,
СФ—18, ИКС—29 ва СФ—46 спектрофотометри.

Пул ўтказиш йўли билан ҳақ тўланади.

Адрес: 700027, Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги кўчаси, 8 «а» уй.

Телефонлар: 45-45-53, 45-45-57.

БелОМО.

«Свитязь» кинофото аппаратларига техника хизмати кўрсатиш ва кафолатли ремонт қилиш фирмали устахонаси.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

Совхозлар, колхозлар, агросаноат комбинатлари, Агросаноат бўлинмаларининг раҳбарлари, кооператорлар ва ижарачилар диққатига!
«ЧИРЧИКСЕЛЬМАШ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ
Универсал КХУ-4 пахта культиваторларини

КРЕДИТГА СОТАДИ

Культиваторларни харид қилиш шартлари:

харид пайтида дастлаб культиватор қийматининг 50 процента — 660 сўм тўланади.

культиватор баҳосининг қолган қисми 1990 йилнинг январигача тўланиши лозим.

Кредит учун йилига 0,5 процент ҳақ ундирилади.

Почта адреси: Чирчиқ шаҳри, 14-алоқа бўлими. Тошкент области, Ленин кўчаси, 92-уй.

Телеграф адреси: Чирчиқ шаҳри, Тошкент «Лемехъи.

Справкалар учун телефонлар — сотув бўлими:94-246, 94-646.

ЎРТА ОСИЁ РАНГЛИ МЕТАЛЛУРГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИҲА ИНСТИТУТИ
архитектура-қурилиш бўлимининг бошлиғи вазифасига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурсда ёши 45 дан катта бўлмаган, тегишли соҳа бўйича олий маълумотли ва лойиҳа ишларида камида 7 йил амалий иш тажрибасига эга бўлган кишилар қатнаша оладилар.

Конкурс муддати — 5 августгача.

Ҳужжатлар қуйидаги адреса жойлашган институтнинг кадрлар бўлимига тақдим этилади: 700000, Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 59-уй.

Ўзбекистон ССР Театр арбоблари союзи правлениеси Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
Ҳант
МУСТАФОҚУЛОВнинг
вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат педагогика институти коллективи СССР халқлари адабиёти кафедрасининг доценти Н. Каримовага турмуш ўртоғи
Рифат Обидович
КАРИМОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ЖИГАРЛАР

• Шингил ҳикоя

Тошкентнинг ҳавоси қизиқ — баъзан бир куннинг ўзида тўрт фасл меҳмон бўлиб кетиши мумкин. Ўзингиз ҳам шоҳидсиз. Кузакда бирдан қор ёғиб, аччиқ изгирин қишга тайёргарлигимизни синовдан ўтказиб кўрди. Қарангки, бу қиш ҳам бултургидек «йўлига» ўтади, деб оёққа иссиқроқ пойабзал олмаган эдим. Тўғриси, келининг из, болаларни ўйлабман-у, ўзимга қолганда вақтим, ҳафсалам етмабди. Энди эса кеч бўлди, танишинг ё қариндошинг бўлмаса, магазин бекатида ҳам тушиб қололмайсан. Бозорда яхши молнинг баҳоси осмонда. Ўзим кеч бўлсаям студентман — чўнтагим доим омонат. Майда танга пуллар кўп юрганидан келининг из ҳафтада бир марта чўнтак аврасини тикиб беради. Начора, қишни бир амаллаб ўтказарман деб юрувдим, магазинда катта сотувчи бўлиб ишлайдиган Ҳамид акам қаттиқ койиб берди:

— Жонингда қасдинг борми, нима бало, эртага сени бу аҳволда кўрмай?

Ҳақиқатан ҳам, у тўғри койиди. Ахир, ревматизм деган бало менга ёпишганидан хабари бор-да. Лекин бу аҳволим ошпаз бўлиб ишлайдиган иккинчи — Шокир акамнинг ҳам назаридан четда қолмабди. У кечқурунги овқатга таклиф этиб, дастурхон устида анча насиҳат қилди. Қўша-қўша пальто, костюмлари, оёқ кийимларини кўрсатиб, ростданам менга жони ачишаётганини исботлаб берди.

— Мендан ўрнак ол дейман, Илҳом, — деди у охирида. — Жигаримсан, ахир, мен сенга куймасам бегона куярмиди...

Бир куни поччам чет эл саёҳатидан қайтгани муносабати билан опамникига бордим. У кўз ёши қилиб, мени шундай мулзам қилдики, ҳатто «тош» лақабли поччамиз ҳам «эриб» кетдилар.

— Агар муллажирингларинг бўлмаса айт, уялма, қарзингни тўла деб шоширмайман, бир-икки ой ичида қутулсанг бўлди-да?!

— Раҳмат, пулим бор...

Орадан беш кун ўтди. Қор марҳаматини аямай ҳаммаёққа яна оппоқ чодирини ёйди. Эрталаб ишга отланаётсам, кавшандозда янги қишлик чет эл пойабзали, бир жуфт жун пайпоқ билан турарди. Ҳам мамнун, ҳам савол аломатида нонушта ҳозирлаётган қизимга қарадим.

— Ойим қўйиб кетдилар, — деди у гўё ҳеч нарса бўлмагандай. — Пенсия пулларини йиғиб юрган эканлар... Кеча бозорга тушибдилар.

— Онажоним...

Хўрлигим келиб кетди. Лекин қизимнинг олдида ҳамиятим йўл қўймади. Томоғимга ер ёнгоқдек бир нарса тиқилиб қолгандай эди....

Абдунаби МАННОПОВ.

Муҳаррир
У. УСМОНОВ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматда босилади.

Р. — 11861. Б. — 178. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12